БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

42-йил чиқиши № 5 (11.451). | 7 январь, пайшанба 1960 йил | Баҳоси 20 тийин.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЯНГИ ВАЗИФАЛАРИ

Партиямиз XXI съездининг тарихий қарорларидан руҳланган ва КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида белгилаб берган улуғвор вазифаларидан илҳомланган республикамиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олмоқдалар.

Ўзбекистон пахтакорлари пахтачиликда етти йилликка мўлжалланган даражага муддатидан бир йил олдин — 1964 йилда эришишга қарор қилдилар. Шунингдек гўшт, сут етиштириш бўйича 1963 йилда, пилла етиштириш бўйича 1964 йилда, луб экинлари, сабзавот, картошка ва қовун-тарвуз етиштириш бўйича 1962 йилда эришиш мўлжалланади. Колхоз ва совхозлардаги сигирлар сони кўпайтирилиб, етти йилликнинг охирига белгиланган даражага шу йилнинг ўзидаёқ етиш кўзда тутилмоқда.

Қорақалпоғистон АССР меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига хат ёзиб, пахта, гўшт ва сут етиштиришда 1965 йилнинг охирига белгиланган даражага 1961 йилдаёқ эришиш мажбуриятини олдилар. Бундай ватанпарварлик ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда. Тошкент областининг чорвадорлари ҳам чорвачиликни ривожлантиришда етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш юзасидан конкрет тадбирлар белгиладилар.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги олдида турган бу улуғвор вазифаларни бажаришда 1960 йил ҳал қилувчи йил ҳисобланади. Ўзбекистон бу йил мамлакатга 3 миллион 170 минг тонна пахта етказиб бериши керак. Шунингдек чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам кенг ривожлантирилиши лозим. Шу йилдан бошлаб маккажўхори, оқжўхори ва сабзавот экинларидан икки мартадан ҳосил олиниши керак.

Бунинг учун даставвал техниканы тараққий эттиришимиз, деҳқончилик маданиятини юксалтиришимиз зарур. Бу йил чигитни янги усулда экиш янада кенгайтирилади, пахта майдонининг 90 процентида ғўза қатор оралари икки томонлама ишланади. 1 миллион гектар ерда эса ғўза кетмон ишлатмасдан парваришланиши, 500 минг тонна пахта машиналар билан териб олинади.

Бунинг учун қандай резервлар бор? Муҳим резервлардан бири — қолоқ хўжаликларни кўтаришдир. Ғарчи ўтган йили республика бўйича ҳосилдорликни кўтариш плани ошириб бажарилган бўлса ҳам, етарли чоралар кўрилмаганлиги сабабли 297 колхоз ва совхоз ҳар гектар ердан 20 центнердан кам ҳосил олди. Агар ана шу хўжаликларни ўрта ва илғор хўжаликлар даражасига етказсак, қўшимча 200 минг тонна пахта етиштиришимиз мумкин.

Пахта етиштиришни кўпайтиришда энг асосий вазифа — барча колхоз ва совхозларда ҳосилдорликни оширишдир. Бунинг учун ердан унумли фойдаланиш, унинг ҳосилдорлигини ошириш учун ҳамма чораларни кўришимиз керак. Шу билан бирга, экин майдонларини ҳам кенгайтира боришимиз зарур. Бу соҳада катта имкониятларимиз бор.

Мирзачўл ва Марказий Фарғонада ҳали қўл теқизилмаган массивлар жуда кўп. Шу массивларни ҳосилдор ерларга айлантирайлик.

Шунингдек, чорвачиликни ривожлантириш учун жуда кўп яйловларни ўзлаштиришимиз, ем-хашак бўладиган экин майдонларини кенгайтиришимиз, даставвал маккажўхорини кўп экиш, унинг ҳосилдорлигини ошириш, силосни кўпайтириш йўли билан ем-хашак мўлкўлчилигини таъминлашимиз лозим.

Бу йил пахтачилик соҳасида олдимизда турган энг муҳим вазифа — пахтачилик ишларини кенг механизациялаштириш йўли билан оз меҳнат сарф қилиб, кўп ҳосил олиш ва пахтанинг таннархини камайтиришдир. Бунга асосан колхоз ва совхозларда комплекс механизациялашган трактор-далачилик бригадаларини кўпайтириш, уларни етук кадрлар билан мустаҳкамлаш орқали эришиш мумкин. Механизатор кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор бериш зарур. Бу соҳада республикамиз қишлоқ ёшлари бўйича мехнизацияни ўрганиш юзасидан бошланган турснуойчиларнинг ташаббусини ҳартарафлама кенгайтиришимиз керак.

Ҳозир колхоз ва совхозларимизда 1960 қишлоқ хўжалик йилининг ишлаб чиқариш планлари тузилмоқда. Колхоз ва совхоз раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқариш планларини тузишда далачилик бригадаларини мустаҳкамлаш, уларни йириклаштириш, айниқса комплекс механизациялашган трактор-далачилик бригадаларини кўпайтиришга алоҳида эътибор беришлари керак. Шу билан бирга, ер карталарини яхшилаштириш, бунда механизациядан унумли фойдаланиш зарур.

Маҳсулотнинг таннархини арзонга туширишда ва жамоат бойлигини оширишда колхоз Уставига қаттиқ риоя қилиш, маъмурий-хўжалик аппаратларини қисқартириш колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартидир.

Кўклам экиш даври яқинлашмоқда. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун замин тайёрлаш ва мол қишловини муваффақиятли ўтказишнинг энг масъулиятли даврларини кечирмоқдамиз. Бироқ, мўл ҳосил етиштиришнинг асосий шарти бўлган ерни шудгорлаш ишлари ҳалигача тамомлангани йўқ. Айниқса Фарғона, Самарқанд, Андижон, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССР бу соҳада орқада қолмоқда. Шунингдек ернинг шўрини ювиш, яхоб бериш, далага гўнг чиқариш ишлари ҳам жуда суст бормоқда.

Техникани ремонт қилиш ҳам қониқарсиз аҳволда бораётир. Барча ишларимизнинг муваффақиятли ҳал қиладиган трактор ва қишлоқ хўжалик машина-асбобларини кўклам дала ишларига тахт қилиб қўйиш — партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз, совхоз ва РТС раҳбарларининг ҳозирги кундаги энг муҳим вазифасидир.

Партия XXI съезди ва КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларини муваффақиятли амалга оширишда ва етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажаришда ҳал қилувчи 1960 йил вазифаларини тўла-тўкис адо этиш — республикамиз партия ташкилотларининг ва барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг муқаддас бурчидир.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

500 МИНГ СЎМ

«Ўзэлектромонтаж» ихтисослаштирилган трестнинг ишчилари ва инженер-техник ходимлари Ўзбекистон КП Марказий Комитети XV Пленумининг «Республика да капитал қурилишнинг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида» чиқарган қарорини муҳокама қилиб қурилиш-монтаж ишларини арзонлаштиришга қаратилган конкрет тадбирлар белгиладилар. Бу коллектив ўтган йил қурилиш ишларини индустриал методлар асосида ташкил этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда қурилиш-монтаж ишлари таннархини камайтиришда юқори кўрсаткичга эришди.

Трест ишчилари 1960 йилда жуда кўп янги объектларда қурилиш-монтаж ишлари олиб боради. Бинокорлар ишлаб чиқаришга механизацияни кенг жорий этиш йўли билан кўплаб металл, ғишт, ёғоч материалларини тежаб қолишга ҳаракат қилаётирлар. «Ўзэлектромонтаж» коллективи 93- ихтисослаштирилган трест ишчиларининг етти йиллик фондини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаб шу йилнинг бошидаёқ пландан ташқари олинаётган фойда ҳисобидан етти йиллик фондига 500 минг сўм ажратишга қарор қилди.

ЯНГИ ҒАЛАБАЛАР

ТЕЗ ВА АРЗОН ҚУРАЙЛИК

Урганч районидаги Калинин номли колхознинг қурилиш бригадаси бошлиғи Жаббор Ёқубовга меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришганлиги учун Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи топширилди. Бу бригадада ўттиз киши ишлайди. Янги йилнинг дастлабки кунларида улар 50 тракторлик мастерскойни фойдаланишга топширдилар.

Бинокорлар 1959 йил мобайнида бир қанча муҳим объектлар — икки молхона, ёш моллар ва қорамоллар учун олтита бостирма, олтита силос башняси, 85 уй қурдилар.

Бундай кўрсаткичларга бундан бир йил муқаддам колхозлараро қурилиш ташкилотини тузиш туфайли эришилди. Учта колхознинг маблағи ҳисобига йилига 3 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган ғишт заводи қурилди. Бу ташкилотга аъзо бўлган Сталин номли, Ленин ва Калинин номли колхозлар катта қурилиш ишларини бажардилар.

Хоразм областининг колхозларда қурилиш бошқармаси бошлиғи Ғ. Хуснуддинов УзТАГ мухбирига хабар қилишича, янги мавсумда колхозларда қурилиш ишларининг ҳажми 1953 йилдагига нисбатан олти баравар ортади. Қирқ миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланади.

МОДЕРНИЗАЦИЯ ТУФАЙЛИ

Қувасой оҳак цехи етти йиллик иккинчи йилининг дастлабки кунларидан бошлаб аввалдагига нисбатан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Бу муваффақиятга машина-ускуналарни тубдан модернизациялаш туфайли эришилди. Шу жойдаги мутахассислар республика олимлари билан биргалиқда ишлаб чиқаришнинг илғор технологиясини жорий қилдилар. Эндиликда печларга тушадиган оҳак тош дастлаб, айланма воронкаларда сараланади, бу эса оҳактошнинг баравар миқдорда, бир меёрда печга тушиб туришини таъминлайди. Натижада печларнинг қуввати икки ярим баравар оширилди. Оҳак пишириш сифати ҳам анча яхшиланди.

Ҳозирги вақтда эски машина-ускуналарда йилига 40 минг тонна ўрнига қарийб юз минг тонна оҳак ишлаб чиқарилмоқда. Шу нарса ҳисоблаб чиқилдики, реконструкция қилинган агрегатлар бундан илгари қуриш мўлжалланган тўртта янги печнинг ўрнини босди.

Модернизациялаш йўли билан, Тошкент, Самарқанд ва бошқа Халқ хўжалиги кенгашларига қарашли бинокорлик материаллари саноати корхоналарида эски машина-ускуналарнинг қуввати бир ярим баравар оширилади. (УзТАГ).

ОТАШИН ВАТАНПАРВАР ШОИР

Ҳамид Олимжон туғилган куннинг 50 йиллигига бағишланган тантанали кеча

Республика аҳолиси ўртасида ўзининг шаҳсий кутубхонасида Ҳамид Олимжоннинг асарлари фахрли ўринни эгаллламаган бирор киши ҳам йўқ деса бўлади. Ўзбекистон меҳнаткашларининг севимли шоири бўлган Ҳамид Олимжон социалистик реализм байроғини баланд кўтариб, ўз халқи маънавий бойлиги хазинасига бебаҳо ҳисса қўшди. Унинг номи мамлакатимиз атоқли адиблари қаторида ҳақли равишда муносиб ўрин эгаллайди.

6 январда Тошкентда Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида бўлиб ўтган тантанали кеча Ҳамид Олимжон туғилган куннинг эллик йиллигига бағишланган эди.

Кечани Ўзбекистон ёзувчилари союзи правлениесининг биринчи секретари К. Яшин кириш сўзи билан очади.

Президиумдан О. А. Алимов, Ё. С. Насриддинова, З. Р. Раҳимбобоева, Ш. Р. Рашидов, Ф. Е. Титов, М. В. Муҳаммаджонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. О. Азимов, республика адабиёти, санъати ва фанининг атоқли арбоблари жой оладилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, «Ўзбекистон маданияти» газетасининг редактори В. Й. Зоҳидовга доклад қилиш учун сўз берилади.

Докладчи ўзининг бутун қудратли истеъдодини, ўз оташин қалбининг бутун куч-қувватини партия ва халққа хизмат қилишдек олижаноб ишга бағишлаган шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида ҳаяжон билан гапиради. Ҳамид Олимжоннинг улуғворлиги шундаки, у Горький, Маяковский ва Ҳамзанинг шонли традицияларини давом эттириб, ўзининг ўлмас асарларида янги жамият қурувчиларнинг шодиёна яратувчилик меҳнатини, уларнинг ёрқин келажак — коммунизм сари қаҳрамонона интилишларини куйлади.

Ўзбек совет интеллигенциясининг муносиб намояндаси бўлган Ҳамид Олимжон ижтимоий фаолиятнинг хилма-хил соҳаларида ўзининг ижодий куч-қувватлари билан қатнашиб келди. Унинг оташин илҳомбахш сўзлари фақат шеърият формаларидагина ўз ифодасини топган эмас. У оташин публицист сифатида ҳам, идроклы адабиётшунос-тадқиқотчи сифатида ҳам ўзини кўрсатди. Совет ватанпарварининг, ҳаётбахш, Ленин идеяларининг тўла тантана қилиши учун ҳормай-толмай курашувчининг оташин қалби унинг кўп қиррали ижодиётида кенг суратда намоён бўлди.

Ҳамид Олимжон совет мамлакати халқларининг қардошларча ҳамкорлиги улуғворлигини баралла куйлади. Ўзбек халқи ўзининг куч-ғайратини ака шу қардошларча ҳамкорликдан олди ва олиб келмоқда. Республика меҳнаткашларининг мамлакатимиздаги барча халқларга, аввало, улуғ рус халқига бўлган чексиз ҳурмати ва самимий муҳаббати шоирнинг шеърларида ёрқин тараннум этилди. Рус халқининг беғараз ёрдами ўзбек халқининг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида қўлга киритган барча ажойиб муваффақиятларининг гаровидир. Ҳамид Олимжоннинг барча асарлари пролетар интернационализми ва совет ватанпарварлиги идеялари билан суғорилган.

Шоирнинг ҳаёт йўли қисқа бўлди. Бевақт ўлим унинг ижодиёти энг гуллаб яшнаган бир вақтга тўғри келди. Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида, халқ ва партиянинг манфаатлари чамбарчас боғланган бир вақтда Ҳамид Олимжон ўзининг энг яхши асарларини яратди. Унинг жозибадор оташин сатрлари совет кишиларини Октябрь ғалабаларини сақлаб қолиш йўлида, инсониятнинг озодлиги ҳамда бахтсаодати йўлида шонли қаҳрамонликларга даъват этиб турди.

Доклад тугади. Залда ўзининг «Ғалаба ҳақида қўшиқ» шеърини ўқиётган Ҳамид Олимжоннинг плёнкага ёзиб олинган овози янграйли. Гулдурос қарсаклар эшитилади. Шоир худди тирикдай, бу ерда, театрда, ўз дўстлари орасида гаплашиб тургандай бўлиб туюлади.

Кечада Назир Сафаров, Музайяна Алавия, Мақсуд Шайхэода, Ҳамид Олимжон тўғрисидаги ўз эсдаликларини сўзлаб бердилар. Шоир Уйғун ва СССР халқ артисти А. Хўжаев Ҳамид Олимжоннинг «Ўрик гуллаганда» ва «Ўзбекистон» шеърларини ўқиб бердилар. Ҳамид Олимжоннинг «Севги» шеърини ўқиган шоир Ҳамид Ғуломдан кейин шоир Константин Симонов шу шеърни рус тилида ўқиб берди.

Кечада Ҳамид Олимжон юбилейи муносабати билан Ўзбекистон ёзувчилар союзи правлениеси номига юборилган телеграммалар ўқиб эшиттирилди. Бу телеграммаларда атоқли ўзбек шоирининг хотираси совет кишиларининг қалбларида ҳамиша яшаяжаги қайд қилиб ўтилади.

Кеча охирида Навоий номидаги театр артистларининг иштирокида Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» поэмаси асосида яратилган «Зайнаб ва Омон» операси ижро этилди.

* * *

Шу куни Тошкентда тантанали вазиятда Ҳамид Олимжон ўз фаолиятининг турли даврларида яшаган ва ижод этган икки уйнинг олд томонига ёзилган ёдгорлик лавҳаси очилди. (УзТАГ).

КПСС МҚ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ТУРСУНОЙ, КЕЛИНГ МУСОБАҚАЛАШАЙЛИК!

Тошкент область, Чиноз районидаги Киров номли колхознинг механик-ҳайдовчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной ОХУНОВАга

Азиз дугонам Турсуной!

Мен Сизнинг КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумида сўзлаган нутқингизни зўр эътибор билан ўқиб чиқдим. Сизнинг нутқингизни менда жуда катта таассурот қолдирди.

1959 йилда Сиз машинада 210 тонна пахта терибсиз. Ҳар куни хирмонга 6 — 8 тонна пахта тўкиб, 100 теримчининг ишини бажарибсиз. Сиз ўзбек аёллари орасида биринчи бўлиб пахта термишнинг техникасини ўрганиб ажойиб ватанпарварлик ташаббусини бошлаганингиз ва бу билан Ўзбекистон ҳамда Қорақалпоғистондаги бошқа хотин-қизларга намуна кўрсатдингиз.

Сизнинг ажойиб ташаббусингизга Коммунистик партия ва шахсан Ўртоқ Н. С. Хрушчев юксак баҳо бердилар. СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Сизга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилганлигини эшитиб, чин қалбимдан хурсанд бўлдим.

Бир неча йилдан бери мен қўлда 15 — 20 — 25 тоннадан пахта теріб келар эдим. 1959 йилда эса, хирмонга 30 тонна пахта тўкдим.

Мен бошлиқ звено аъзолари мўл ҳосил етиштирдилар ва 20 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 75 центнердан пахта сотдилар. Эндиликда мен пахта теришдек машаққатли қўл меҳнатидан фақат машинагина халос қилаолишига чуқур тушундим. Кейинги вактларда колхозда ҳосилни теришни механизациялаш соҳасида бироз силжиш бўлган бўлса ҳам, бу ишда ҳали бизда кўпгина камчиликлар бор. Ҳосилнинг кўп қисми ҳали ҳам қўлда терилмоқда.

Энди биз қўл меҳнатидан воз кечишга ахд қилдик. «Манғит» совхозида хотин-қизлардан механизатор кадрлар тайёрлаш бўйича тўрт ойлик курс ташкил қилдик. Бу курсга 30 аёл қатнашмоқда. Унга раҳбарлик қилишни менга топширдилар. Курс қатнашчиларининг ҳаммаси трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ўрганишга катта қизиқиш билан қарамоқдалар.

Биз КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми материалларини, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Совети Раиси Никита Сергеевич Хрушчевнинг нутқини зўр эътибор билан чуқур ўрганмоқдамиз. Н. С. Хрушчевнинг Пленумда сўзлаган нутқи кучимизга куч қўшди, бизларни янги меҳнат зафарларига отлантирди.

Қадрли дугонам Турсуной Охунова! Биз Сизнинг ватанпарварлик ташаббусингизга қўшилиб, пахта етиштиришни механизациялаш учун курашга ахд қилдик. 1960 йилда звеномиз 40 гектар ерга чигит экади. Бутун майдонда ғўза квадрат-уялаб жойлаштирилади, қатор оралари бутун ёз мобайнида кетмонсиз ишланади. Ҳар гектар ердан 80 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олдик. Менинг ўзим 1960 йилда машинада 250 тонна пахта териш мажбуриятини олдим. Турсуной, мен гектаридан 80 центнердан хосил етиштириш ва машинада 250 тонна пахта териш мажбуриятини олиб, Сизни социалистик мусобақага чақираман. Бу чақиғимни қабул қилишингизни сўрайман.

Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси пахта етиштиришни кўпайтиргани учун 1959 йилда Ленин ордени билан мукофотланди. Олий мукофот республикамиздаги барча меҳнаткашларнинг, шу жумладан хотин-қизларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини янада ошириб юборди. Шу кунларда ҳамма колхоз ва совхозларда умумхалқ тантаналари ўтказилмоқда.

Биз, Қорақалпоғистон Автоном республикасининг меҳнаткашлари олий мукофот учун Коммунистик партия, Совет ҳукумати ва шахсан Ўртоқ Н. С. Хрушчевга чин қалбимиздан ташаккур айтамиз ва олдимизда турган ҳамма вазифаларни бажариш учун бутун куч-қувватимизни сарф қиламиз, деб ишонтирамиз.

Ойим КАМОЛОВА.

Амударё районидаги Крупская номли колхознинг звено бошлиғи, СССР Олий Советининг депутати.

ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРАМИЗ

Бригадамиз аъзолари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорини ўқиб чиқиб, етти йилликнинг иккинчи йилида қиладиган ишларининг режасини тузиб олдилар.

Бригадамиз ўтган йили 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 28 центнердан ингичка толали пахта етиштириб, социалистик мажбуриятини бажарди. Бу йил эса яна шунча ерга чигит экамиз. Биз барча имкониятларимизни ишга солиб олиб, ҳар гектар ердан 34 центнердан ингичка толали пахта етиштириш ёки ҳосилдорликни бир йилда гектарига 6 центнер оширишга қарор қилдик.

Бунинг учун биз, Никита Сергеевич Хрушчевнинг Пленумда сўзлаган нутқини эсда тутиб, ҳосилдорликни ошириш учун резервлардан тўла фойдаланишни кўзда тутдик. У ҳам бўлса, маҳаллий ўғитдан тўла ва самарали фойдаланишдир. Биз бу йил ҳар гектар ерга 15 тонна маҳаллий ўғит соламиз. Бундан ҳар бир мавсумнинг талабига қараб фойдаланамиз. Ҳозир бригаданинг барча аъзоси далада. Шу кунгача ҳар гектар пахта майдони ҳисобига 5 тоннадан маҳаллий ўғит тайёрладик. Қолган ўғитни ҳам жамғариш ва ариқ-зовурларни қазишни январь ойи ичида тугаллаш учун курашмоқдамиз.

Г. ҲОЖИЕВ.

Ангор районидаги Карл Маркс номли колхоз далачилик бригадасининг бошлиғи.

ЯНГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТ

Республикамиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорига жавобан зиммаларига янгидан-янги мажбуриятлар олмоқдалар.

Наманган область, Янгиқўрғон районидаги «Ленинчи йўл» колхозининг аъзолари Пленум материалларини кенг муҳокама қилиб, пахта етиштиришни кўпайтириш, деҳқончилик маданиятини янада ошириш мақсадида машиналардан кенг фойдаланишга, пахтанинг таннархини камайтиришга қарор бердилар. Ўтган йили ҳар бир центнер пахта етиштиришга ўртача 136 сўм сарфланган бўлса, бу йил ундан 10 — 12 процент кам сарфланади. Машиналарда ўтган йилдагига нисбатан икки баравар кўп пахта терилади. Далаларга ўғит солишда, ғўзани озиқлантиришда, ғўза баргини тўкишда, ерларни текислашда ва бошқа ишларда ҳам машиналардан кенг фойдаланилади.

Андижон область, Хўжаобод районидаги колхозлар пахта етиштиришни комплекс механизациялашни кўзда тутиб, бригадаларни ва звеноларни йириклаштириш юзасидан муҳим тадбирлар белгиладилар. Бу ташаббусни Андреев номли колхознинг коммунистлари бошлаб бердилар. Улар пахтачилик бригадаларининг сонини икки баравар камайтиришни таклиф қилдилар. Колхоз правлениеси бу таклифни маъқуллади. Ер майдони ўрта ҳисобда 150 гектардан бўлган ҳар бир пахтачилик бригадасига Қодир Тожиматов, Аширали Соттиев, Ғуломжон Ўзганов каби энг тажрибали ходимлар бошчилик қиладилар. Пахтачилик бригадаларини йириклаштириш туфайли ҳар бир центнер пахта етиштириш учун сарфланадиган меҳнат ўтган йилдагига нисбатан 12 процент камаяди, механизациядан кенг фойдаланиш учун янада катта йўл очилади.

Район партия комитети Андреев номли колхоз коммунистларининг ташаббусини маъқуллади ва райондаги барча колхозларда қўллаб-қувватланмоқда, эндиликда колхозлардаги бригадаларнинг сони икки баравар камайиб, пахтачилик усталаридан 106 киши бевосита ишлаб чиқаришга кўчирилди. Ҳозир районда бирорта ҳам бригаданинг пахта майдони 100 — 150 гектардан кам эмас. Қолган 263 звенонинг ҳар қайсисига механизаторлар бошчилик қилмоқда.

ИЛҒОРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯ

ЮТУҚНИНГ ОМИЛИ

«Қизил Ўзбекистон»нинг ўтган йил июль ойидаги сонларидан бирида 4-«Боёвут» совхозининг Насиб Бекиров бошлиқ бригадаси қандай қилиб мўл ҳосил етиштираётгани ҳақида ҳикоя қилинган эди.

Бекиров бригадаси мавсумни қандай якунлади? 150 гектар ернинг ҳар гектаридан 31 центнердан пахта етиштириб, пландаги 300 тонна ўрнига 450 тонна ҳосил йиғиб олинди. Бир центнер пахта учун 1,7 иш куни, ўтган йилдагидан 0,7 иш куни кам сарфланди. Ҳар центнер пахтанинг таннархи 143 сўмга тушди. Ҳосилнинг 85 процента машинада терилди. Бригаданинг ҳар бир аъзоси ҳисобига 20 тоннадан пахта етиштирилди.

Терим арафасида ноқулайлик юз берди. Одатда қишда эсадиган Беговот шамоли сентябрдаёқ бошланди. Ҳосилнинг кўплигидан қаддини зўрга кўтариб турган ғўзалар ётиб қолди.

Ҳамма майдондаги ҳосилни машинада териш кўзда тутилган эди, энди нима қилиш керак? Бригада аъзолари ётиб қолган ғўзаларни тикладилар, дала бегана ўтлардан тозаланди. Насиб Бекиров ёш механизатор Маматмусо Зайниев, Боувбек Умеровларга пахта териш машинасини бошқаришни ўргатди.

Терим мавсуми бошланди. Қўшни бригадалар Мирзачўл пахта заводига дастлабки тонналарни топширишди. Терим сўрати тобора ортиб борарди. Совхознинг айрим бўлим ва бригадалари планнинг 30 процентини бажарди қўйишди.

Бекиров бригадасида эса ҳали терим бошланмаган. Улар кўприкларни, машиналарни тузатишарди. Мавсумнинг биринчи беш куни ўтди, иккинчиси, учинчиси... Пахта заводининг қабул пунктида ҳали Бекиров бригадасининг вакили кўринмасди. Бўлим раҳбарлари ҳаяжонланиб бригадага тез-тез келадиган бўлиб қолишди. Улар планни пеш қилишди, кишиларнинг бир қисмини пахтани қўл билан теришга ажратишни талаб қилишди.

— Қўлда теришга? Асло! — деди Насиб.

Бригада аъзоларининг мақсади планни бажаришгина эмас, давлатга арзон пахта бериш, таннархини камайтириш эди. Қўлда терилган бир тонна пахта машинада терилгандан 3 баравар қимматга тушади-да!

— Киши қўл билан машинанинг ишини қилолмайди, — деди у Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг пахтакорлар Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқини хотирлаб...

Ҳосилни машинада териб олишдан бригада аъзолари манфаатдор эдилар. Совхоз дирекцияси билан тузилган шартномага кўра, планда кўзда тутилган ҳосилни етиштириш учун ҳар центнерига 98 сўм сарфланиши керак. Улар эса 43 сўм сарфлашди.

Кутиб туриш ҳам қийин эди. Қўшни бригадалар ҳосилнинг учдан бирини териб олса-ю, булар ҳали бошлашмаган бўлса... Ҳар ҳолда машина теримигача пайкалга қўл урилмади. Пахтазорга тўртта машина гуриллаб кириб келди-ю, ўн кун ичида план, бир ойдан сўнг эса мажбурият бажарилди.

Тўғри, Бекиров бригадаси аъзолари планни осонгина бажаришмади. Сентябрнинг охирида пахта қийғос очилиб кетди. Дирекция бир неча машинани ёрдамга юборди. Насибнинг ўзи мавсумда 150 тонна пахта терди. Ҳосилнинг 85 процента машинада терилди.

Пахтанинг таннархи арзонлашганини айтмайсизми!

Бекиров бригадасининг бу йилги режалари жуда катта. Совхоз бу бригадага яна 100 гектар ер қўшиб беради. Шундан 40 гектари беда, 10 гектари маккажўхори бўлса, 200 гектар ердан бригаданинг ҳар ишчиси ҳисобига 25—30 тоннадан пахта етиштиришни, ҳар центнер пахтанинг таннархини 70—100 сўмга келтиришни кўзда тутишяпти.

Ф. ХУЖАЕВ.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» ЛЕКТОРИЯСИ

СОЦИАЛИСТИК ДАВЛАТ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТНИНГ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

Совет халқининг қаҳрамонона кураши ва меҳнатининг энг буюк натижаси янги социализм жамиятига мос бўлган сиёсий тузум — Совет социалистик давлатининг ташкил топиши ва мустаҳкамланиши бўлди.

КПСС XXI съездида давлат тўғрисидаги масалага жуда катта эътибор берилди. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг съездда қилган докладида социалистик давлат ва унинг ривожланиши ҳамда асосий функциялари тўғрисидаги, совет демократияси базасини кенгайтириш ва аста-секин давлат органлари функциясини жамоат ташкилотларига, аввало меҳнаткашларнинг энг оммавий, энг демократик ва энг обрўли ташкилоти бўлган Советларга бериш масаласи тўғрисидаги марксча-ленинча таълимот янада ривожлантирилди. Шунингдек, Совет социалистик давлати ривожланишининг уч муҳим даврига чуқур марксистик анализ берилди ҳамда давлатнинг бу муҳим даврларидаги асосий функциялари жуда аниқ таърифланди.

Совет давлатини ривожлантиришнинг биринчи даври капитализмдан социализмга ўтиш (1917—1937 йиллар) даврини, В. И. Ленин таърифлаганидек, ўлаётган капитализм билан янги туғилган социализм ўртасидаги кураш даврини, ёки бошқа сўз билан айтганда енгилган, лекин хали йўқ қилинмаган капитализм билан пайдо бўлган, истиқболли, аммо хали кучсиз бўлган коммунизм ўртасидаги кураш даврини ўз ичига олади.

Жамиятнинг сиёсий устқурмаси — пролетариат диктатураси капитализмдан социализмга ўтиш даврига ниҳоятда мос келади. 1917 йилнинг октябрида пролетариат диктатурасининг ўрнатилиши эксплуататор синфларнинг қаршилигини синдириш, революция ғалабасини империалистик давлатлар тажовузидан сақлаш, ер юзида энг одил ва энг инсонпарвар жамият — коммунизм қуриш зарурлигидан келиб чиққан эди.

Капитализмдан социализмга ўтиш даврида пролетариат ҳоким синф сифатида эксплуатация қилинувчи халқнинг кўпчилигини ташкил этувчи ишчи ва деҳқонларнинг асл манфаатларини ҳимоя қилиб, аҳолининг жуда озчилигини ташкил қилган бир тўда эксплуататор синфларга нисбатан муросасиз кураш олиб борди. Шунинг учун ҳам пролетариат диктатураси давридаги асосий масала шаҳар ва қишлоқда хўжаликнинг социалистик системасини ўрнатишдан, янги жамият қурувчи кишилар онгини шакллантириш учун уларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш ва қайта тарбиялашдан иборат эди. Яъни пролетариат маданий революцияни амалга ошириши лозим эди.

Ана шу масалага В. И. Ленин жуда катта эътибор берди. **«Бу тубдан ўзгариш шундан иборатки,** — деб ёзган эди В. И. Ленин, — **илгари биз асос эътиборини сиёсий кураш, революция, ҳокимиятни қўлга олиш ва бошқаларга қаратган эдик ва қаратишимиз керак эди. Энди бўлса ишнинг асос эътибори шу қадар ўзгармондки, у тинч ташкилий «маданий» ишга кўчиоғлаётир. Агар халқаро муносабатлар, халқаро масштабда ўз позициямиз учун кураш вазифаси бўлмаганида эди, биз учун ишнинг асос эътибори маданиятчиликка кўчмоқда, деяр эдим. Аммо, буни бир тарафда колдириб, ички иқтисодий муносабатлар билан чекланилса, у ҳолда бизда ҳозир ҳақиқатан ҳам ишнинг асос эътибори маданиятчиликдан иборат бўлиб қолмоқда».**

В. И. Ленининг кейинги асарларида совет давлатининг икки муҳим функциясига алоҳида эътибор берилгани яққол кўзга ташланади: 1) давлат органларининг мамлакатимизда социализм ҳамда коммунизм қуришга қаратилган ташкилий-хўжалик ва маданий-тарбиявий фаолияти билан боғлиқ бўлган ички функцияси; 2) дунёда биринчи бўлган пролетариат диктатураси давлатини ички ва ташқи душманлардан, халқаро империализм тажовузидан ҳимоя қилишни ташкил қилишга қаратилган ташқи функцияси.

СССР халқлари Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатни социалистик индустрлаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришни амалга оширдилар. Бу том маъноси билан жамиятни буюк революцион қайта қуриш бўлди.

СССРда капиталистик синфларнинг тамомила тугатилиши ва социализмнинг ғалабаси натижасида мамлакат ичкарисидаги мавжуд эксплуататорларни бостириш функциясига батамом барҳам берилди. Мамлакатимиз халқлари ҳаётида юз берган буюк тарихий ўзгаришлар 1935 йилнинг бошларида бўлиб ўтган Советларнинг VII съезди қарорларида ва 1936 йилнинг декабрида қабул қилинган СССРнинг янги Конституциясида СССР тараққиётнинг иккинчи босқичига — социализмнинг тўла ғалабаси учун кураш даврига ўтганлиги ўз ифодасини топди.

Партия XVIII съезди СССР халқларининг социал-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида улуғвор ўзгаришлар даври бўлган дастлабки икки бешйилликка (1929—1937 йиллар) якун ясади. Бу беш йилликлар муваффақият билан бажарилганлиги туфайли мамлакатимизда **коммунизмнинг биринчи фазаси — социализм** асосан амалга оширилди.

Совет давлатини ривожлантиришнинг иккинчи босқичидаги (1937—1958 йиллар) асосий вазифа социализм қурилишини тугаллаш ва коммунизм қурилишини кенг авж олдириб юбориш учун шарт-шароит яратишдан иборат эди. Шонли партиямизнинг XXI съезди бизнинг мамлакатимизда социализм қурилиши тўла ва узил-кесил ғалаба қозонганлигини таъкидлади ва коммунистик қурилиш кенг авж олдирилган тарихий даврга кирилганлигини эълон қилди.

Совет давлати ўз тараққиётининг айни даврда ташкилий-хўжалик ва тарбиявий ишлар, меҳнат ва истеъмол қилиш меёрини назорат қилиш ҳамда социалистик мулк ҳамда социалистик қонун тартибларига риоя қилиш соҳасидаги ўзининг асосий ички функциясини кенг кўламда амалга оширмоқда.

Совет давлатининг СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг империалистик давлатлар ҳарбий ҳужумидан хатарсиз ва мустақил яшашини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган **ташқи функцияси** илгаригидек сақланади. Ҳозирги шароитда Совет давлатининг **янги функцияси — социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш ва тажриба алмашишни ташкил қилиш ҳамда кенгайтириш функцияси** пайдо бўлди. Бу функция тобора кенгаймоқда.

Ҳозирги даврда социалистик давлат тузумининг асосий йўналиши демократияни ҳартомонлама кенгайтириш, меҳнаткашлар оммасини мамлакатнинг хўжалик ва маданий қурилишига раҳбарлик қилишга кенг жалб қилишдан иборат. Давлатнинг соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, физкультура ва спорт, аҳолига маданий ва маиший хизмат кўрсатиш сингари функциялари меҳнаткашларнинг жамоат ташкилотларига, биринчи галда халқнинг ўз-ўзини идора қилиш органи, меҳнаткашларнинг энг оммавий, энг демократик ташкилоти — меҳнаткашлар депутатлари советлари ва бошқа жамоат ташкилотларига юкланмоқда.

Совет давлати — ҳақиқий халқ давлати, социалистик демократизм давлати. Совет социалистик демократияси Коммунистик партия бошчилигида амалга оширилади. Социалистик тузум халқ ҳокимиятини реал хўжаликнинг социалистик системаси орқали мустаҳкам **иқтисодий** база, ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар ва халқ зиёлиларинг ажралмас иттифоқи ва совет халқи маънавий бирлигининг **синфий** асоси, СССР халқларининг ягона кўп миллатли давлати рамисида дўстлик ва биродарларча ўзаро ёрдамда ифодаланган бузилмас **миллий** асослар билан таъминлайди.

Партия XXI съезди меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданиятини ошириш учун жон қуйдириладиган халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, уй-жой қурилиши ва шаҳар ҳамда қишлоқларнинг ободончилиги, жамоат ошхоналари, моддий хизмат қилиш корхоналари ва бошқаларнинг ишларини яхшилаш учун қайғирадиган Советларнинг олдида турган асосий хўжалик вазифаларни белгилаб берди.

Совет жамиятининг коммунизм сари олға боришида В. И. Ленин таъбири билан айтганда, идора қилиш мактаби, хўжайинлик қилиш мактаби, коммунизм мактаби бўлган касаба союзларининг аҳамияти яна ҳам ортади. В. И. Ленин пролетариат диктатураси шароитида касаба союзларининг ролига катта аҳамият бериб, **«...касаба союзлари сингари пойдевор бўлмаса, диктатурани амалга ошириб бўлмайди, давлат функцияларини бажариб бўлмайди»** деган эди.

Ҳозирда касаба союзлар ўзига 52 миллиондан ортиқ ишчи ва хизматчиларни бирлаштирган бўлиб, улар мамлакатнинг давлат, хўжалик ва ижтимоий ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнамоқдалар. Шунингдек, ўз сафига 18 миллиондан ортиқ йигит ва қизларни бирлаштирган Ленин комсомоли мамлакатимизнинг ижтимоий ва давлат ҳаётида катта роль ўйнамоқда.

Совет демократиясининг кенгайиб бораётгани жамоат тартибини ўрнатишда, айрим давлат функцияларини меҳнаткашларнинг жамоат ташкилотларига (халқ милицияси, ўртоқлик суди) ўтказишда яққол кўринмоқда.

Партия ва Ҳукуматимиз социалистик жамиятга тамоман ёт бўлган ўтмишнинг безорилик, ичкиликбозлик, пораҳўрлик, савдогарлик сингари жирканч қолдиқларига қарши кескин кураш олиб бормоқда.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1959 йил 2 мартда чиқарилган «Мамлакатда жамоат тартибини сақлашда меҳнаткашларнинг иштироки тўғрисида»ги қарорида меҳнаткашларнинг онглилиги ва сиёсий активлиги ўсган ҳамда совет демократияси ривожланган ҳозирги шароитда жамоат тартибини бузувчиларга қарши курашда жамоатчиликнинг қатъий таъсирини ўтказиш, жамоат ташкилотлари (касаба союз, комсомол ва бошқалар) кўнгилли халқ дружиналари тузиш йўли билан жамоат тартибини мустаҳкамлашлари кераклиги таъкидланди. Демак жамоатчилик жамоат тартибини бузувчиларга қарши курашда ҳал қилувчи куч бўлиб қолди.

Айрим давлат функцияларининг жамоат ташкилотларига берилиши давлат органларининг кучсизланишига, давлатнинг ўлишига олиб келмайди, аксинча, унинг оммавийлигини мустаҳкамлайди, жамиятимиз сиёсий асосининг кенгайишини ва давлатни аста-секин халқнинг ўзи идора қилиш ташкилоти даражасига ўсиб чиқишини таъминлайди.

Давлатнинг батамом йўқ бўлишининг иқтисодий асосини В. И. Ленин коммунизмнинг шундай олий ривожи деб билган эдики, бунда ақлий ва жисмоний меҳнат, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовут йўқолади, яъни тўла коммунизмга эришилади. Диалектика нуқтаи назаридан социалистик давлатнинг барҳам бўлишига энг аввало уни ривожлантириш яъни социалистик демократияни ривожлантириш, давлатни идора қилишга меҳнаткаш оммани кенг жалб қилиш орқали замин ҳозирланади.

Ҳозирги замон ревизионистлари АҚШ бошлиқ империализм лагери мавжудлиги ва СССР ҳамда халқ демократияси мамлакатларига карши қаратилган агрессив ҳарбий блоклар мавжудлиги шароитида пролетариат диктатураси давлати йўқолади, деб даъво қилмоқдалар. Давлат масаласига бундай ғайри-илмий, ғайри марксистик қараш социализм мамлакатлари куч ва қудратини барбод қилишга уринишдан бошқа гап эмас. Коммунистик ва ишчи партияларнинг Москва кенгашида ревизионистларнинг давлат масаласидаги марксизмга карши назарияларига қақшатғич зарба берилди. Партиямиз XXI съезди ревизионизмнинг сиёсий ва ғоявий жиҳатдан тор-мор келтирилганига якун ясаб, етти йиллик план ҳалқаро реформизм, ревизионизмга ва умуман буржуа идеологиясига кескин зарба эканлигини эўр куч билан таъкидлади.

Марксизм-ленинизм давлат коммунизм тўла ғалаба қозонгач, бизнинг мамлакатимизга ёки Совет Иттифоқи билан ҳамкор бўлган халқ демократияси мамлакатларига империалистлар томонидан хужум қилиш хавфи батамом йўқ қилингандагина йўқолади, деб таълим беради. Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС XXI съездида таъкидлаганидек «ҳозирги шароитда социалистик давлатни бўшаштириш — душманларга ёрдам беришдир».

Ҳозир империализм мавжудлиги шароитида СССР ва социалистик мамлакатларнинг мустақиллиги таянчи бўлган қуролли кучларни, совет тузумини империалистик разведкадан ҳимоя қилувчи давлат хавфсизлиги ва бошқа давлат органларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга.

Социалистик давлат коммунистик қурилишнинг асосий қуроли бўлиб, у совет кишиларининг тинч ижодий меҳнатларини империалистик давлатларнинг тажовузларидан ҳимоя қилади ва урушни олдини олиш ҳамда бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун курашади.

О. ЭШОНОВ,
юридик фанлари доктори, профессор.



КОНКУРСГА КЕЛГАН ФОТОЛАРДАН: Бемор тузалади!
Г. Пун фотоэтюди.

БУРДОҚИГА БОҚ!

НУҚУЛ СЕМИЗ ГЎШТ

Кейинги йилларда Марғилон районидаги «Намуна» колхозида чорва молларни бўрдоқига боқиш ва давлатга гўшт учун семиз моллар топширишга жиддий эътибор берилмоқда. Колхоз 1959 йилда бўрдоқига боқиб семиртирилган чўчқалардан давлатга 200 центнер, қорамол, қўйлардан 6640 центнер гўшт сотди.

Шу кунларда колхознинг чўчқачилик фермасида 80 бош чўчқа бўрдоқига боқилаётир. Чўчқаларни боқиб семиртиришда тажрибали чўчқабоқар Николай Матченко эўр ташаббус кўрсатиб меҳнат қилмоқда. У чўчқалар ейдиган озуқани ўз вақтида тайёрлаб, қатъий рацион билан беради. Ана шу асосда 1960 йилнинг биринчи кварталида давлатга 300 центнер чўчқа гўшти сотиш мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари 100 бош қорамол ҳам бўрдоқи қилиб боқилмоқда. Тажрибали чорвадорлардан Розиқ Ҳамроев ва Акрам Султонов ўртоқлар молларни типовой молхонада намунали парвариш қилиб, уларнинг гўштига-гўшт, ёғига-ёғ қўшмоқда.

Т. МАҲМУДОВ.

ПУХТА ТАЙЁРЛИК БИЛАН

Тахтакўпир районидаги Карл Маркс номли совхоз автоном республикасининг йирик чорвачилик хўжаликларидан ҳисобланади. Совхозда 60 мингдан кўпроқ қорақўл қўйи ва мингдаб қорамол, чўчқа ва бошқа чорва моллар бор.

Совхоз коллективи партия, ҳукуматимизнинг кўрсатмаларини амалга ошира бориб, давлатга гўшт, сут, жун топшириш планларини доим биринчи ўринда бажариб келаётир. Чорва кишловига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилади. Яйловлардаги қўйлар учун иссиқ қўралар, етарли миқдорда емхашак жамғариб қўйилган. Силос ва дағал ҳашаклар илгариги йиллардагидан бир ярим баравар кўп тайёрланди. Совхоз чорвадорлари давлатга янада кўп ва юқори сифатли гўшт етказиб бериш мақсадида 2000 қўй, 95 қорамолни бўрдоқига боқишга қўйдилар.

Бўрдоқи боқишда совхознинг бош чўпони Исобек Шоматов катта тажрибага эга. У, ҳар йили 80—100 тадан бўрдоқи боқадиган бўлса, бу йил 150 та бўрдоқи боқишни зиммасига олди.

С. МАДАМИНОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

ОЛИМЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИДА

ПОЛИМЕР ЕРНИ ҲОСИЛДОР ҚИЛАДИ

Республика қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун фан ва илғор агротехника ютуқларидан тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Олимларимиз янги-янги ихтиролари билан қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларидаги ишга солинмай ётган беҳисоб резервларни топиб, ишлаб чиқаришга жорий қилмоқдалар. Биз яқинда Ўрта Осиё Давлат университети кимё факультетининг коллоид кимё лабораториясида бўлдик. Бу лаборатория олимлари ернинг ҳосилдорлигини ошириш, деҳқончиликда қўл меҳнатини енгиллаштириш соҳасида олиб бораётган ишларида яхши натижаларга эришаётирлар.

— Лабораториямиз илмий ходимларининг диққати, — дейди лаборатория мудири, кимё фанлари доктори, профессор Карим Аҳмедов, — ернинг ҳосилдорлигини оширишга қаратилган. Маълумки, республикамизда тупроқ структураси яхши эмас. Тупроқ таркибида нам сақламайдиган ва қатқалоқ ҳосил қилувчи майда заррачалар бор. Бу заррачаларни йўқотиш ва тупроқ структурасини яхшилаш учун ерга асосан гўнг ҳамда минерал ўғит солинади. Бироқ бу агротехника тадбирининг ўзигина ернинг структурасини яхшилаш учун кифоя қилмайди. Чунки, ердан бир-икки марта ҳосил олингач, тупроқ структураси яна олдинги ҳолатига тушади.

Лабораториямиз коллективи тупроқ таркибига оз миқдорда солинса ҳам таъсири кучли бўлган юқори полимер бирикмалар ҳосил қилди. Бу янги модда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг тупроқшунослик илмий-текшириш институтида синаб кўрилди. Лабораторияда ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, полимерлар таъсирида пахта ҳосили ошади, тупроқ структураси яхшиланади, тупроқ ўзида намни яхши сақлайди, қатқалоқ ҳосил бўлмайди, ерни суғорганда тупроқни сув ювиб кетмайди. Янги полимер модда узоқ муддат ўз хусусиятини йўқотмайди.

Шундай қилиб, лаборатория коллективи ернинг ҳосилдорлигини ошириш ва деҳқонларимиз меҳнатини енгиллаштириш йўлида катта ютуққа эришди. Пахта майдонларида қатқалоқ ҳосил бўлишига барҳам беришнинг ўзи деҳқончиликда жуда катта енгиллик туғдириб беради.

Ҳозир бу тажрибани лабораториядан кенг ишлаб чиқаришга олиб чиқиш устида самарали иш олиб борилаётир. Янги полимер моддасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун бизда катта имкониятлар бор. Қишлоқ хўжалиги чиқиндилари, жумладан, гўзапоя, саноат чиқиндилари, шунингдек табиий газ бундай моддалар ишлаб чиқариш учун битмас-туганмас хомашё манбаидир.

А. ИСҲОҚБОЕВ.

ҚИРҒИЗЧАДА БОСИЛИБ ЧИҚДИ

ФРУНЗЕ, 5 январь (ТАСС). Қирғизистон давлат нашриёти «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихи» дарслигини қирғиз тилига таржима қилиб нашр этди. Китоб кўп нусхада нашр қилинган.

Дарслик Қирғизистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти — КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг филиали томонидан таржима қилинган.

ҚЎҚЛАМ ТАРАДДУДИ

Ишни дўндириб, келгуси режаларга аниқ йўл белгилаб олгач, дам олиш, ҳордиқ чиқариш, орзу-ҳавас кўриш, тўй-тўйлаш қандай гаштли. Ҳа, ишни дўндиргандан кейин шундай қилса ярашади.

Нов кишлоғида беш кун тўй бўлди. Бу — пахта байрами — пахтакорлар тўйи. Бу — ўтган йили 1350 гектар ернинг ҳар гектаридан 32.3 центнердан «оқ олтин» топшириб, мажбуриятини ҳам қойил қилиб бажариб, етти йилликнинг иккинчи йили улуғвор вазифаларини муваффақиятли адо этишга киришишдан олдин эўр гайрат ва шижоатини ўйин-кулги билан тараннум эттирган илғор хўжалик — Сталин номли колхоз аъзоларининг тўйи.

Республикамиз пахтакорлари беш кун байрам қилдилар. Пахтакорлар бу байрамлари муносабати билан ўйин-кулги қила билиш, орзу-умидлари рўёбга чиққанини намойиш этиш, ўз олдиларида турган улкан-улкан ишларни бажариш ва ҳар қандай қийинчиликларни бартараф этишга қодир эканликларини курсатдилар. Сталин номли колхозда ўтган тўй бунинг ёрқин мисолидир.

Нов қишлоғида пахта байрами кунлари кеча-кундуз ҳаёт қайнади. Миллий спорт — улоқ ва пойгалар бўлди Санъат ҳам, савдо-сотиқ ҳам, ўйин-кулги ҳам далага кўчирилди. Мана, кенг бедазор. Бир ёғи ферма. Бунда 250 соғин сигир боқилади. Колхоз ўтган йили ҳар бош сигирдан 3646 килограмм ўрнига 3933 килограммдан сут соғиб олди. Ҳар 100 гектар ер ҳисобига 539 центнер сут, 150 центнердан гўшт етиштирди.

Фермани ўраб олган деворга гиламлар қоқилган. Седьпонинг дўконлари қурилган. Бир ёқда кабоб, палов, шўрва, мастава пиширилмоқда. Қатор қўйилган катта кроватларда катта-тантанага йиғилган қариялар, хотин-халажлар, болалар ўтиришибди. Баъзилар чой ичади, болалар олма, апельсин, анорларни маза қилиб тишлаган ҳолда томоша қиладилар. Область театрининг артистлари тинмай куйлайди. Катта майдонда тўдалашиб, улоқ талашаётган чавандозларнинг қийқириқлари, маррага етказиш учун отлари ва ўзларининг кучларини синашлари ўзига хос маъно англатади.

Улоқни колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Абдулла Ортиқов бошқаради. У қўшни Қозоғистондан чақирилган меҳмонларни табриклайди. Улоқни тўдадан узиб чиқиб, маррага етказган чавандозлар колхоз активлари қўлидан турли-туман совғалар оладилар. Чавандозлар орасида ёшлар ҳам, қариялар ҳам бор. Шу колхознинг 71 яшар аъзоси Муҳитдин ота Мўминов, 61 яшар Ҳакимбек ота Бўрибеков, 59 яшар Илашбой Бахтибоевлар 4 январь кунги тўйда тўладан 3—4 марта улоқни ўнгариб чиқиб, маррага етказдилар ва соврун олдилар.

— Мирзааҳмад отинг қани? — ўзининг тулпорини совутиб четда юрган Ҳакимбой ота кроватда ўтириб томоша қилаётган бригада бошлиғидан сўради. — Даврага тушмай қандай қилиб ўтирибсан?

— Мен катта даврада ўзимни кўрсатганман. Шу етади. Олган совруним ҳам чакки бўлгани йўқ.

Атрофдагилар қисқа бу суҳбатга қизиқиб қарардилар. Баъзилар маъноликқ қилиб бош қимирлатардилар. Муҳитдин ота эса «тўғри айтасан» дегандек ҳаракат билан отининг бошини буриб, тўдага кириб кетди.

Мирзааҳмад аканинг «катта даврасн» нима эди? Колхоз правлениеси ўтган йилнинг бошида 11 пахтачилик бригадаси ўртасида бундай шарт қўйди: қайси бригада пландагидан 50 тонна ошириб пахта топширса, шу бригадага битта «Москвич» машина мукофот берилади. Ҳожибоев бригадаси аъзолари мўл ҳосил учун курашнинг пешқадами бўлди. Бригада 200 гектар энг пачоқ ердан 632 тонна пахта кўтариб, пландагидан 70 тонна ошириб. Колхоз правлениеси яқинда бригадага «Москвич» машинаси сотиб олиб берди. Катта давра ва Мирзааҳмад аканинг катта совғаси шу эди.

Тантана давом этади. Майдон атрофига ўрнатилган карнайлардан спорт қоидаларига риоя қилиш, аҳиллик билан куч синашиш ҳақида дамба-дам огоҳлантирган товуш эшитилади. Кроватнинг тўрида ўтирган Шорасул ота отлар тўдасидан кўзини олиб, девор ёнидаги ҳашак ғарамларига, силос башняларига назар солгач дейди:

— Бир вақтлар, ёшлик чоғимда улоқни томоша қилгани борганим эсимга тушиб кетди. Чанг-тўзон орасида уёқдан-буёққа чопиб, ҳалқумим қуриганда бир хўплам сув топилмаган эди. Уруш, жанжал, тарафгарчиликни айтмайсизми? Қамчидан боши ёрилган, оёғи синганларчи? Нимани талашишар эди? Иноқликдан яхши нарса борми? Узоқдан келган ана у қозоқ оғайни кеча уйимизда меҳмон бўлиб, бугун иззат-ҳурмат билан қайтади. Улоқ бўлган жойда мана бу нозн-неъматлар, ашула, музикалар бўлади деб ким ўйлар эди?

— Ҳа,— дейди иккинчи қария унинг оғзидан сўзини олиб,— шуни айтинг Шорасул, қаерга борсак иззат-икром кўряпмиз. Тўқлик — тўйчилик деган гап. Партия ва ҳукуматимизнинг садағаси кетсанг арзийди...

Улоқдан сўнг колхозчилар билан бирга колхоз марказига қайтдик. Кимлар отда, кимлар машинада, уйи яқинлар пиёда қайтар экан, кулки ва кувонч тинмас эди.

— Ҳе, йигитлар, Риза аканикига тезроқ борингглар, куёв кутиб қолди.

— Ҳа, айтгандек Розиқ ака ҳам қизини узатяпти.

— Буёқда Гулсаранинг ҳам тўйи бор,— деди яна бир киши.

Шу куни колхозда бир йигит уйланиб, икки қиз узатилаётган эди. Бир тўғи колхозчилар тўғри тўйларга, баъзилари кийиниб чиқиш учун уйларига жўнадилар. Қишлоқда шу кеча тўй, базм ва пахта байрамининг тантанаси — халқ сайили узоқ давом этди...

Эрталаб колхоз идораси атрофида ҳар хил иш билан юрган колхозчилар, механизаторлар ва активларнинг қиёфасида жиддийлик ва ўйчанликни кўрдик. Улар кечаги тўй ва тантаналардан сўнг ўз ишларини яна давом эттирар эдилар. Колхоз раиси кабинетига бош механик кириб келади. Раис РТСга телефон қилади. Сўнгги ремонт қилинаётган тракторлар учун запас қисмлар суриштиради. Колхоз ўзи сотиб олган 7 ҳайдов трактори, 22 универсал ва бошқа кишлоқ-хўжалик машиналари, асбоб-ускуналари қариб ремонтдан чиқарилганлиги маълум бўлади.

Бухгалтерияда тинмай чўт қоқиляпти. Ўтган йилги даромад якунланмоқда. Колхоз 16 ярим миллион сўм даромад қилган. Шундан салкам 3 миллион сўми чорвадан. Ҳар меҳнат кунига ўртача 20 сўмдан пул ва 3 килограммдан ғалла тақсимлаш мўлжалланмоқда. 2 миллион 133 минг сўм даромад қилган Мирзааҳмад Ҳожибоев бригадасининг аъзолари ҳар бир меҳнат куни эвазига 24 сўмдан пул оладилар.

Колхоздан қайтаётганимизда гуриллаб кор ёғаётган эди. Далага гўнг олиб чиқаётган, ариқ-зовур казишга кетаётган колхозчилар осмонга катта умид ва ишонч билан қарайдилар. Хамма ер чуқур шудгор қилиб қўйилган. Далага 4000 тонна гўнг чиқарилибди. Салкам 1000 тонна минерал ўғит ташиб олинибди. 5500 метр ариқ-зовур қазилибди.

— Бу ишлар ўтган йилдагидан анча илгари қилинаётир,— дейди ўртоқ Абдулла Ортиқов.— 1960 йил яна ҳам тўқинчилик, маъмурчилик йили бўлади. КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган декабрь Пленуми қарори сўзсиз амалга ошади. Яна катта тўйлар қиламиз. Бунга ишончимиз комил.

Раис ҳам умид тўла кўзларини ишонч билан далага тикади. Қалин қор эриб, шудгор бағрига сингган эди. Бугунги қор далани яна қоплаб олди. Ер хазинаси бойийди. Ундан колхозчилар бахтини топади.

Ҳ. НУЪМОНОВ,
М. НАЗАРОВ.
Янгийўл райони.

ЭКСПРЕСС-АХБОРОТ

В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонаси 1960 йилдан бошлаб китобларни оммалаштиришнинг янги шаклини — халқ кутубхоналари учун экспресс-ахборотни жорий қилади.

Ахборотда актуал масалалар юзасидан янгидан чиқариладиган энг яхши китоблар ҳақида маълумотлар бўлади. Халқ кутубхоналари ана шу китобларни ўз китобхонари орасида оммалаштиришлари лозим. Ахборотга китобхонлар билан ишлашда ёрдам бериш учун марказий кутубхоналар томонидан чиқарилган жуда муҳим библиография ва методик қўлланмалар тўғрисида ҳам маълумотлар киритилади. Китобларнинг рўйхатлари, аннотациялар, айрим ҳолларда эса қисқача методик маслаҳатлар ёзилган бюллетень шаклидаги экспресс-ахборот республика, ўлка, область ва баъзи марказий тармоқ кутубхоналарга китобларнинг босмадан чиқишига қараб, ҳар ўн кунда бир марта юборилиб турилади.

В. И. Ленин номидаги СССР кутубхонасининг ана шу ишни ташкил қиладиган кутубхонашунослик ва библиография илмий-методика бўлими экспресс-ахборот бюллетенларининг жойларга келиб туришига қараб ана шу бюллетенларнинг мундарижаси ҳақида маҳаллий газеталар ва радиокомитетларига хабар қилиб туришини кутубхоналарга тавсия қилади.

Кутубхоналарга юборилган дастлабки ана шундай бюллетень М. Горький, Н. Горбунов, А. Коллонтай, А. Луначарский, Е. Онуфриев, Н. Семашко, К. Цеткин ва Эссеннинг В. И. Ленин билан учрашувлари ва қилган суҳбатлари ҳақидаги эсдаликлари киритилган ва давлат сиёсий адабиёт нашриёти томонидан чиқарилган китобларнинг рўйхати ва ана шу китобларга ёзилган аннотациялардан иборат.

Бюллетень «В. И. Ленин асарларини ва В. И. Ленин ҳақидаги адабиётларни пропаганда қилишга ёрдам учун» В. И. Ленин номидаги СССР кутубхонаси томонидан тайёрланган библиография ва методик материалларнинг босиб чиқарилганлиги ҳақида ҳам хабар қилади. Бюллетень «Советский писатель» нашриётида босиб чиқарилган «Рус ёзувчилари дин ҳақида» темасидаги очеркслар, ҳикоялар, мақолалар тўпламини, Ю. Моралевичнинг етти йиллик планнинг улуғвор вазифалари тўғрисида ҳикоя қиладиган «Улуғ етти йиллик» номли китобини ва бошқа китобларни ҳам тавсия этади. (ТАСС).



Тошкент тўқимачилик институтининг лабораториялари ҳар йили янги техника билан бойиб туради. Барча имкониятлар ва тегишли машина, асбоб-ускуналар мавжуд бўлган бундай лабораторияларда студентлар амалий машғулотлар ўтказадилар, шунингдек, илмий-текшириш ишлари олиб борадилар. СУРАТДА: мастер И. Ёқубов «АТ—4—120—1» тўқув станогида технология факультетининг 4 курс студентлари С. Абдулмонова ва А. Паповский билан машғулот ўтказмоқда.

Г. Пун ва Р. Шамсиддинов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

КИТОБНИ ЎЗИНГИЗ ОЛАСИЗ

ТОШКЕНТ шаҳар, Октябрь районидаги Нариманов номидаги шаҳар кутубхонасида китобхонлар ўз-ўзига хизмат қилади. Кутубхонадаги алфавит каталоглар, библиографик кўрсаткич, китоблар рўйхати китобхонинг хоҳлаган китобини тезда топиб олишига ёрдам беради. Кутубхона китоб пропагандасининг ана шундай янги формасига ўтганидан сўнг унинг китобхонлари сони анча ортди.

Қ. Қосимов.

Конвертни очганда...

ЎЗБЕК УЗУМИ ҚРИМДА

Ўзбекистон ўзининг ширин-шакар узуми билан машҳур. Лекин уни узоқ жойларга олиб бориш қийин.

Шунинг учун Қрим боғбонлари ўз ерларида Ўзбекистон узумини етиштиришга аҳд қилдилар.

...Феодосия шаҳар маданият уйининг павильони. Бу ерда қадимдан машҳур бўлган мускат узумининг нозик ҳиди келиб турибди. Павильондаги сўриларда Ўзбекистоннинг карсиллама узуми. У худди ўзига бутун Ўзбекистон қуёшининг нурини сингдириб олгандай. Бу қримликларнинг ҳавасини келтираётган Ўзбекистоннинг «нимранг», «пушти тоифи», «мускат» узумлари. Уларни «Коктебель» вино совхозининг ишчилари етти йилдан бери парвариш қилмоқдалар. Виставкага ҳам бу узумларни шу совхоз ишчилари олиб келтирдилар. Совхоз ишчилари етиштирган «нимранг»нинг ҳар бир боши икки килограммча келади.

Виставкада узумнинг 30 дан ортиқ маҳаллий ва Ўрта Осиё навларини учратасиз.

Қримда Ўзбекистон узумини етиштиришда табиат ишқивозлари катта роль ўйнадилар. Ишқивозлардан К. П. Лавров «нимранг», «қора кишмиш» навларидан 4 йилдан бери ҳосил олмоқда. П. Т. Жилин узумнинг «ғалаба» навини етиштирди.

«Коктебель» узумчилик совхозидаги узум етиштирувчи ишқивозлардан Г. Федеров, К. Лавров, П. Жилин ва бошқалар ўзбек узумларини етиштиришда бошқаларга намуна бўлдилар. Табиатни қўриқлаш жамияти Феодосия бўлими уларни фахрий ёрлиқ билан мукофотлади.

Л. Владимиров.

Феодосия шаҳри.

ИРҒАЙ

Баҳорда тоғ ёнбағирларига борсангиз оқ, пушти, сариғ, зангори рангли гуллар чамандек очилиб ётганини кўрасиз. Бу гуллардан асал арилар аримайди.

Кузда ҳалиги гуллардан ҳосил бўлган мевалар каклик, қарқуноқ, олатўғонок, зарғалдоқ сингари қушларни ўзига жалб қилади. Бу паррандалар ёз бўйи ана шу ўсимлик буталари орасига тухум қўйиб, бола очадилар ва унинг мевасини истеъмол қиладилар. Бу ажойиб ўсимлик — ирғайдир.

Ирғай — атр гулликлар оиласига мансуб бўлиб, бўйи паст, шохи кўп ва барги майда бутадан иборатдир. Бу ўсимлик ғоят яшовчан бўлиб Ўзбекистоннинг тоғлиқ районларида 30 минг гектарга яқин майдонда ўсади. Ирғай Фарғона, Чоткол, Хисор, Қурама, Зарафшон, Туркистон тоғ тизмаларида айниқса кўп учрайди.

Ирғайнинг чиройлик маржондек майда мевасидан глюкозит, витамин «С» олиш мумкин. Унинг ёғочидан бўйинтуруқ, кегай, шоти, омоч ясашда фойдаланганлар. Ирғайнинг майин навдаларидан сават, корзинка, човли сингари нарсаларни тўқиш мумкин. Унинг илдизидан эса турли бўёқлар олса бўлади.

Ирғайнинг барги рангдор, навдаси пишиқ, гули ва меваси чиройлик бўлганлиги учун ундан яшил девор ясашда фойдаланиш мумкин. Ирғай гулзорларнинг, парклларнинг, скверларнинг ҳуснига-ҳусн қўшиши мумкин.

Ирғай ўсимлигининг ана шу ҳусусиятларини ва унинг беор ўсимлик эканлигини назарга олиб, ирғайзорлар ташкил қилишга аҳамият бериш зарур.

М. ТУЙЧИЕВ,
биология фанлари кандидати.

„МАЛЮТКА" КИНОТЕАТРИ

Мактаб ўқувчиларининг каникул кунларида Кривой Рог шаҳридаги «Комсомолец» кенг экранли кинотеатрида 130 ўринлик махсус зал очилди. «Малютка» деб аталган бу кинотеатрга болалар ота-оналари билан келиб, томоша кўрмоқдалар. Уларга қисқа метражли картиналар, мультипликацион фильм-эртаклар кўрсатилмоқда.

Кинотеатрда болалар хизмат кўрсатмоқдалар.

ДУНЁ БОЗОРИГА ЧИҚДИ

Фарғона иқтисодий районидаги корхоналарнинг маркаси қўйилган маҳсулотлар дунёдаги 25 дан кўпроқ мамлакатга юборилмоқда.

Польша, Германия Демократик Республикаси, Англия, Финляндия ва бошқа четэл давлатларига Фарғона водисидаги пахта тозалаш заводларида тайёрланган юзларча тонна аъло навли пахта толаси юборилмоқда.

«Строммашина» заводида тайёрланган «Андижанец» дизели ва С—245 насослари Бирлашган Араб Республикаси, Албания, Туркия, Бирма ва Хабашистонга кўплаб юборилаётир.

Қўқондаги «Большевик» механика заводида тайёрланган чўян ва пўлат арматура Хитой Халқ Республикаси, Болгария ва Ҳиндистонга етказиб берилмоқда.

Фарғона водисининг машинасозлари совет лойиҳаси бўйича Руминияда қурилаётган крекинг-установка ва Афғонистонда қурилаётган автомобиль магистрали учун ҳам асбоб ва механизмлар тайёрлаш бўйича заказларни бажармоқда.

Фарғона Халқ хўжалиги кенгаши корхоналарида тайёрланган бир қанча маҳсулотлар ўтган йили Касабланка, Коломбо, Дамашқ шаҳарларида бўлган халқаро виставка ва ярмаркаларда намойиш қилинди ва бу маҳсулотлар четэллик заказчиларнинг мақтовига сазовор бўлди.

САФИМИЗГА ҚЎШИЛИНГ

СУРАТДА: Т. ДОКУКИНА ва «Таштекстильмаш» заводининг ишчиси М. ҲАСАНОВ балет машғулотида.
И. Зайнутдинов фотоси.

Тошкентдаги тўқимачилар маданият саройида яқинда хореография тўгараги ташкил этилди. Саройда илгари рақс тўгараги бор эди, лекин мен ёш коллективимиз ҳақида гапирмоқчиман.

Бундан икки йил илгари бир неча йигит ва қиз — Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчилари балет билан шуғуллана бошладик. У вақтда биз рақс ва музика ҳақида ибтидоий тасаввургагина эга эдик. Раҳбаримиз балет коллективи ташкил қилгунча кўп қийналди, чунки бизда мураккаб рақс ўрганиш учун керакли шароитлар яратилмаган эди. Коллективимиздаги одамлар бир неча марта ўзгарди, лекин иш давом эттирилди.

Бизнинг дастлабки томошаларимиз унча муваффақият қозона олмади. Бундан биз хафа бўлмадик, аксинча, кўпроқ ғайрат билан ишга киришдик. Кейинчалик бизнинг саҳнага қўйган «Казаклар рақси», «Украин гопаки» сингари рақсларимиз муваффақиятли чиқди.

Ўтган йилдан биз шаҳарнинг бошқа районларига ва колхозларига бориб концерт бера бошладик. Яғи йил байрами кунларида биз бир неча янги рақсларни томошабинларга кўрсатдик.

Ҳар бир янги рақсни саҳнага олиб чиқиш учун жуда кўп вақт ва куч сарфлаш керак. Лекин томошабинларнинг олқишига сазовор бўлганингда ҳамма чарчоқ чиқиб кетгандек туйилади.

Энди балетчилар коллективи аҳил коллектив бўлиб қолди. Биз бўш вақтларда кино ва театрларга борамиз, балетларни томоша қиламиз. Мен ўз коллективимизни жуда севиб қолдим. Шунинг учун ёшларни бизнинг коллективимизга келиб қўшилишга чақираман. Балет санъати — жуда мароқли санъат экан.

Т. ДОКУКИНА,
балет тўгарагининг қатнашчиси, тўқимачилик комбинати 2-тўқув фабрикасининг ишчиси.

„ТУЯТОШ"

Бўстонлиқ районидаги Хондойлик қишлоғидан сўқмоқ йўл билан тоққа кўтарилсангиз тоғ ёнбағрида ажойиб тошга дуч келасиз. Бу жуда катта тош худди қурбақани эслатади. Қишлоқ аҳолиси буни «туятош» деб атайди. Тошни афсона билан боғлайдилар. Бундан бир неча минг йиллар илгари бир авлиёнинг туяси шу ерда чўкиб, тошга айланиб қолган эмиш. Тошнинг туяга эмас, кўпроқ қурбақага ўхшаши афсонанинг нақадар асоссиз эканлигини кўрсатади.

Тош неча асрлик табиий ўзгаришлар таъсири остида ана шундай шаклга келиб қолган. Синчиклаб қарасангиз, бу қурбақага ўхшаш тошнинг аста-секин емирилаётганлигини сезасиз.

Қ. АҲМЕРОВ.

Б. ЛАВРЕНЕВ ЧИЗГАН РАСМЛАР

Яқинда вафот этган совет ёзувчиси Б. А. Лавреневнинг кўп қирали адабий фаолияти ҳаммага маълум. Лекин Борис Андреевичнинг истеъдоди рассом эканлигини ва Тошкент рассомчилик мактабида таълим олганлигини кўп кишилар билмаса керак.

Гражданлар уруши йилларида Б. А. Лавренев Туркистон фронтининг сиёсий бошқармасида ишлаган ва 1920—1921 йилларда Туркистон Ўлка рассомчилик мактабидаги машғулотларга қатнаган эди. Ёзувчи кейинги вақтларда ҳам ўзи ўқиган мактабни ёдидан чиқармади. У менга ёзган хатларидан бирида бундай деб хабар берган эди: «Мен аладдий кубист Комиссаренко раҳбарлик қилган живопись синфида ўқиган эдим. Ва бирор материал ва на амалий бир машғулот бўлган эди. Бўёқларни ўзимиз бир амаллаб тайёрлар, матони ҳам ўзимиз топар эдик. Индустриал натюрморт деб аталадиган суратларни, яъни эски тишли ғилдирак, поршень сингари нарсаларнинг расмини солардик. Ана шундай бўлишига қарамасдан бизнинг синфда ўқиганлар орасида Сеня Чуйков сингари катта рассомлар етишиб чиқди».

Ўша пайтда Чуйков билан биргаликда Тошкентда Михаил Куприянов ҳам ўқиган эди. Куприянов — машҳур Кукреникси деб имзо чекадиган рассомлардан биридир.

Борис Андреевич Туркистонда оз вақт бўлганига қарамай вақтли матбуот учун бир қанча расмлар ишлаган ва плакатлар ясаган эди. 1921 йилда у Туркистонда нашр этилган «Коммунистическая мысль» журналининг муқоваси учун расм чизган, икки йилдан кейин эса «Военний работник Туркестана» ва «Костри» журналларининг муқоваси-ни ишлаб берган. Ёзувчи Туркистон давлат нашриётида чиқадиган бир қанча китоблар учун муқоваларг, сарлавҳалар ва расмлар чизган. У ўзининг «Ўсмир Нутнинг ҳаёти» ҳикояси учун ҳам ўзи расм чизган.

1921 йилда Лавренев ёш Қизил Армиянинг босмачилар, оқгвардиячилар ва инглиз интервентлари устидан қозонган ғалабасига бағишланган плакат ишлаш учун заказ олган эди. Бу плакатлар муваффақиятли чиққан ва байрам кунлари Тошкентнинг ҳозирги В. И. Ленин номли майдонидаги минбарга осиб қўйилган эди.

Ўша йиллар Лавренев Тошкентда ясаган яна бир плакатини «Совет Туркистони душманларининг тор-мор келтирилиши» деб аташ мумкин. Унда контрреволюция кучлари ва босмачиларнинг қаерларда жойлашганлиги ва уларга совет қўшинлари қандай зарба берганлиги акс эттирилган.

О. АПУХТИН.

ҚАРДОШ, ҚЎШНИ РЕСПУБЛИКАЛАРДА

МАРРА ЯҚИН

ФРУНЗЕ. «Ўрғочар» қўйчилик заводининг чўпони Топширма Садвоқунов Қиргизистоннинг баланд тоғли Покровский районида етти йилликнинг биринчи йилини энг яхши кўрсатичлар билан якунлади. Т. Садвоқунов ҳар юз совлиқдан 144 тадан қўзи олди. Ёш қиргиз чўпони мамлакат қишлоқ хўжалигининг энг яхши вакиллари билан биргаликда КПСС Марказий Комитети Пленумининг ишида қатнашди.

Кейинги йилларда бу завод тоғ ўлкасидаги колхоз ва совхозлар учун наслдор қўйлар етказиб берадиган жуда йирик манба бўлиб қолди. Фақат ўтган йилдагина Марказий Тянь-Шандаги хўжаликларга тўрт минг бош наслдор қўйлар жўнатилиб, гўшт, жун ва бошқа маҳсулотлар топшириш юзасидан белгиланган топшириқлар муддатидан илгари бажарилди. «Ўрғочар» заводи икки миллион 700 минг сўм, яъни планда кўзда тутилганидан 600 минг сўм кўп фойда олди.

«Ўрғочар» чорвадорлари КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорини муҳокама қилиб, етти йиллик план топшириқларини муддатидан икки йил олдин бажарамиз, деб яндиллик билан айтмоқдалар.

САНТИМЕТР ҲИСОБИГА

ЧОРЖЎЙ. «Туркманистон ССР 15 йиллиги» тикувчилик фабрикасида коммунистик меҳнат зарбдори Минсур Тучина муҳим таклиф киритди. У газламаларни бичишнинг янги усулини ишлаб чиқди. Бу усул газламанинг ҳар бир сантиметридан фойдаланиш имконини беради. Костюм бўлакларини бичишда уч сантиметрдан 6 сантиметргача газлама тежаб қолинади. Бунинг натижасида бичувчи 60 қаватгача бўлган газламадан уч-тўрт метрдан тежаб қолади.

Илғор ишчи аёл ўтган йил мобайнида 4600 метрдан кўпроқ материал тежади. Ана шу газламалардан қўшимча равишда 3300 та болалар костюми тикилди.

Етти йиллик давомида Минсур Тучина жамоатчилик фондига камида 5 минг сўм киритишга ниятлидир.

Чоржўй шаҳар партия комитети бу ишчи аёлнинг ташаббусини маъқуллади.

ДУШАНБА ДАРЕСИДА

СТАЛИНОБОД. Тожикистон пойтахтида Душанба дарёсидан ўтадиган янги автомобиль кўприги очилди. Бу кўприк шаҳарнинг жанубий қисмини тез ўсиб бораётган Совет посёлкаси билан боғлади. Посёлкада пойтахтнинг янги катта индустриал райони барпо этилмоқда.

ТАРИҚ ЭКИЛМОҚДА

ОЛМАОТА. КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида крупа экинларини, шу жумладан тариқ етиштиришни кўпайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Етти йилликнинг иккинчи йилида Қозоғистонда тариқ экиладиган майдонларни бир миллиондан кўпроқ гектарга кенгайтириш мўлжаллаб қўйилди. Республика бундай қиматли экин етиштириш ҳажми жиҳатидан мамлакатда Россия Федерациясидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.

Қозоғистон тариқкорлари тариқнинг қурғоқчиликка чидамли, серҳосил навларини кўпайтириш туфайли қўшимча равишда ўн миллион пуд тариқ етиштиришни мўлжаллаб турибдилар.

ҲАВАСКОР АРТИСТЛАР

АШХАБОД. Ҳозирги вақтда Туркманистонда уч юздан кўпроқ драма коллективлари бўлиб, буларда минглаб ишчи ва хизматчилар қатнашмоқдалар. Улар бу ерда бўлиб ўтган республика кўригида иштирок этдилар. Улардан энг яхшилари Ашхабодда концерт бердилар.

Небит-даг қурувчилар клуби халқ театрининг коллективи А. Салинскийнинг «Ногорачи қиз» номли пьесасини кўрсатиб, томошабинлар орасида айниқса катта муваффақият қозонди. Красноводскдаги нефтчилар маданият уйи, Мари шаҳридаги ўқитувчилар уйи, Чоржўй шаҳридаги дарёчилар клуби драма коллективлари ҳам кўрикда зўр муваффақият қозондилар.

ПРЕССЛАНГАН ПОХОЛДАН

ПАВЛОДАР. Кўриқ ерда ташкил қилинган Богдан Хмельницкий номли совхоз похолдан арзон чорвачилик биноларини қурмоқда. Биноларнинг деворлари қурилиш майдончасида пресланган похолдан тикланмоқда. Уларнинг томлари енгил материал билан ёпилмоқда. Ана шундай йўл билан бу ерда еттита иссиқ, кенг фермалар қурилди. Бу фермалар етмиш йил хизмат қилади. Бундай фермаларни қуриш хўжаликка капитал иншоотлар қуришдан ўн икки баравар арзонга тушди.

СУРХ-ҚЎҲГА ЧИҚИШ

СТАЛИНОБОД. Тожикистондаги «Варзоб» альпинистлар лагерининг бир группа спортчилари республика пойтахтига қайтиб келдилар. Улар Хисор тизма тоғларининг жанубий этакларида жойлашган 3.900 метр баландликдаги Сурх-қўҳ (Қизил тоғ) чўққисига чиқдилар. Группа республиканинг энг тажрибали альпинистларидан тузилган эди. Бунга республика фанлар академиясининг илмий ходимлари — сувчи-инженерлар, врачлар, архитектор, геолог, астроном кирган эди. Тожикистон спортчилари ўзларининг чўққига чиқишларини етти йиллик иккинчи йилининг бошланишига бағишладилар.

ЯНГИ ХИЛ ЎҒИТ

КПСС Марказий Комитети май (1958 йил) Пленумининг қарорлари кимёгарлар олдига ғоят катта вазифалар қўйди. Чирчиқ кимёгарлари партиянинг ана шу вазифаларини муваффақиятли якунлаш учун қизғин кураш бошлаганлар.

Электр кимё комбинати коллективи минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни тобора кўпайтираётир. Шуни айтиш кифояки, ўтган йил ичида мамлакатнинг пахтакор республикаларига пландан ташқари бир неча эшелон ўғит жўнатилди. Бундан ташқари Чирчиқ кимёгарлари маҳсулот таннархини шу вақт ичида 1,5 миллион сўм арзонлаштирдилар.

Лаборатория ходимлари ишчи ва инженер-техниклар билан ҳамкорликда янги хил минерал ўғитлар яратиш устида ижодий иш олиб бораётирлар. Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда олимлар, илмий-текшириш институтлари ходимлари актив кўмаклашаётирлар. Сўнгги ойларда республикамизнинг бу гигант корхонаси кимёгарларининг илмий иш олиб борадиган марказига айланди.

Академик М. Набиев раҳбарлигидаги Ўзбекистон Фанлар академияси кимё институтининг ходимлари, азот саноати давлат институтининг инженерларидан Егоров, Кархов, Майгуров ўртоқлар илмий-текшириш ишларини олиб бораётирлар.

Фан билан ишлаб чиқариш ҳамкорлиги яхши натижалар бермоқда. Яқинда илмий ходимлар ва корхона инженерларининг ижодий ғайрати туфайли янги хил минерал ўғитлар яратилди.

Маълумки, аммиак селитраси азот ва фосфор аралашмаларидан иборат. Бу элементлар кимёвий йўл билан алоҳида-алоҳида ишлаб чиқарилиб, ерни ўғитлашдан олдин бир-бирига қориштирилади. Бу жараён жуда кўп меҳнат талаб қилар, пахтакорларни ошиқча ташвишлантириб келар эди. Азот ҳам, фосфор ҳам алоҳида идишларда ташилар эди.

Янги хил ўғит корхонанинг ўзидаёқ азот ва фосфорни кимёвий йўл билан аралаштирилиб, ишлаб чиқарилаётир. Бу жуда катта маблағ ва ишчи кучини иқтисод қилиш имконини туғдирди.

Мазут — нефть чиқиндиси. Ундан фақат ёрдамчи хомашё сифатида фойдаланиб келинар эди, хусусан, кимё комбинатида оддий ёқилғи қаторида ишлатиларди. Илмий ходимлар мазутдан бошқа мақсадларда фойдаланиш йўлларини қидириб топдилар. Яқинда тажриба установкаси ўрнатилди. Бу установка ёрдамида мазут ишлаб чиқариш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган технологик газга айлантирилаётир. Мазутдан олинаётган газ кокс ва кўмирни қуйдириш йўли билан ҳосил қилинаётган газга нисбатан ҳам сифатли, ҳам арзон. Агар кўмир ва коксдан олинаётган газ аралашмасида 70—73 процентгача ёнилғи моддалари бўлса, мазутдан ҳосил қилинган газ концентрати 93 процентга етади.

Нефть саноати ривожланиши билан мазут ҳам кўпаяверади. Мазутни газга айлантириш проблемасининг ҳал этилиши кимё саноатини янада ривожлантириш имконини беради. Бундан кейин металлургия саноати учун кўп миқдорда талаб этиладиган кокс ва кўмир тежалади.

Технологик газлар аралашмасида олтингугурт моддаси ҳам бор. Олтингугурт минерал ўғитлар ишлаб чиқариш жараёнига салбий таъсир этади. Газни олтингугуртдан тозалаш учун корхонада актив кўмир ишлатилади. Бундай турдаги кўмирда ҳар хил газ, буг ва олтингугурт каби аралашмаларни тутиб қолиш хусусиятига эга бўлган моддалар кўп. Бироқ, актив кўмирни ишлаб чиқариш давлатга жуда қимматга тушмоқда. Олимлар ва Чирчиқ кимё комбинатининг инженер-техниклари бу масалани ҳам муваффақиятли ҳал этдилар.

Ҳозир бу ерда актив кўмирни бутунлай янги хомашёдан — лигниндан ишлаб чиқариш мақсадида катта илмий тажрибалар олиб борилаётир. Дастлабки натижалар қувончли: лигниндан — гидролиз заводларининг чиқиндисидан актив кўмир ҳосил қилинди. Лигнин гидролиз заводларида шунчалик кўпки, ундан мингларча тонна актив кўмир ишлаб чиқариш мумкин.

Ишлаб чиқарувчилар билан олимларнинг ўзаро ҳамкорлиги нақадар яхши натижалар бераётганлигини кўрсатувчи далиллар ҳисобсиз: Чирчиқ кимёгарлари бундан кейин ҳам фан билан ҳамнафас иш олиб бориш учун ҳаракат қиладилар.

И. САТТОРОВ.

ЁШИ МИНГДАН ОШИҚ...

Самарқанд шаҳри ўзининг тарихий ёдгорликлари билангина эмас, балки шаҳарнинг ҳуснига-ҳусн қўшиб турган ажойиб ўсимликлари билан ҳам диққатга сазовордир.

Шундай дарахтлардан мамонт дарахти, кумуш баргли арча, Ливан кедри, ботқоқ кипариси (сарв), лола дарахти, шамшод, турли хилдаги қарағайлар ва бошқа айрим дарахтлар Ўзбекистондагина эмас, ҳатто Ўрта Осиёда ҳам кам учрайди.

Бу дарахтларни ҳаваскор ботаник Кароль ьков Лиссабон шаҳридан тупроғи билан карзинкага солиб, туяда бепоён чўллар ошиб, 1882 йили олиб келиб экган эди. Ҳозирги шу дарахтлардан бир нечтаси айрим жойлардагина сақланиб қолган.

М. Горький номли маданият ва истироҳат паркидаги сунъий кўл бўйида савлат тўкиб турган ботқоқ кипариси ана шу дарахтлардан бири. Унинг баландлиги 40 метр, эни эса 1,5 метрга етади. Бу дарахт ўз ватанидагидек мева беряпти.

Ўзбекистон Давлат университети, Мичурин номли мева ва сабзавотчилик техникуми, область ижроия комитетининг ҳовлисида ва бошқа айрим ерларда дунёдаги энг гигант дарахтлардан бири мамонт дарахти бор.

Бу дарахт 4 минг йилгача яшаши, баландлиги 100 метрга, эни эса 10 метргача етиши мумкин. У 120 ёшидан бошлаб мева беради. Меваси иккинчи йили пишади.

Мамонт дарахтининг асосий ватани Калифорния штатида бўлиб денгиз сатҳидан 1500—2500 метр баландликда ўсади. Бу гўзал дарахт шаҳар ва қишлоқларимизни қўкаламзорлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, аэроплан, мебель, қалам ишлаб чиқаришда қўлланади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ботаника боғида шундай дарахтлардан кўп миқдорда ўстирилмоқда.

А. ТАЛАБОВ.

ВОКЗАЛ МАЙДОНИДА

АНДИЖОН. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Вокзал майдонидаги икки қаватли бинода область касалхонасининг поликлиникаси ташкил этилди. Янги даволаш муассасасида хирургия, терапия, ички касалликлар, тиш, қулоқ-томоқ-бурун кабинетлари бор. Энди бу ерда гинекология, онкология, рентген кабинетлари, янги медицина асбоблари билан қуролланган лабораториялар очилади.

ТАРИХ ЁДГОРЛИГИ

Ниёзбек қалъасида сопол ва чинни идишларининг синиғи топилди.

Тошкентлик археолог Парфёнов ва Чирчиқ шаҳар ўлкани ўрганиш музейининг директори Василов ўртоқлар топилган идишларни текшириб, уларнинг IX — XI асрлардан қолганлигини аниқладилар.

Чинни ва сопол идишларнинг қолдиғи Чирчиқ шаҳар ўлкани ўрганиш музейида сақланмоқда.

С. Носиров.

„ТОШКЕНТ" СОВХОЗИ ҚУРИЛИШЛАРИ

Калинин районидаги «Тошкент» совхозида 22 та 4 хонали уй ва 12 хонали алоҳида ётоқхона қурилиб, ишчи ва хизматчиларга фойдаланишга топширилди. Шунингдек, картошка сақлайдиган, помидор, бодринг ва карам тузлайдиган омборлар қурилди.

М. Сайдазимов,
Т. Шоисломов.

Кечки факультет

А. Н. Островский номли театр ва рассомлик санъати институти биносида кечки режиссёрлик ва актёрлик факультети очилди. Режиссёрлик факультетига 12 студент, актёрлик факультетига 15 студент қабул қилинди. Машғулотлар январь ойининг охирида бошланади.

М. Мирзаахмедов.

ТУРСУНОЙ ОХУНОВА СТЕНДИ

Кейинги йилларда колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалигининг мисли кўрилмаган резервларини топиб, ишга солган ажойиб қаҳрамонлар етишиб чиқди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова энди 21 ёшга тўлди. У ўзбек аёллари орасида биринчи бўлиб, пахта териш машинаси рулига ўтирди ва ўтган мавсумда ўз машинасида 210 тонна пахта терди. Бу эса 100 та чевар теримчининг терган пахтаси билан баравардир. СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида донгдор механик-ҳайдовчининг ташаббусига аталган махсус стенд ташкил қилинди. Томошабинлар ўзбек аёлининг ажойиб иш тажрибасини қизиқиб ўрганмоқдалар.

Ўзбекистон ССР павильонида республикамиз меҳнаткашлари етти йиллиннинг дастлабки йилида эришган муваффақиятларини акс эттирадиган бир қанча янги экспозициялар ҳам ташкил қилинди.

Суратларда: (чапдан ўнгга) 1. Старший экскурсовод С. Саидхўжаев томошабинларга янги экспонатларни кўрсатмоқда.

2. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охуновага бағишланган стенд.

3. Машинада пахта териш усталарининг кўрсаткичлари.

Д. Чернов фотоси.



ОНАЛИК—БАХТ

КИТОБ. Калинин қишлоқ совет тидаги Карл Маркс номли колхознинг Сарой қишлоғида яшовчи колхозчи Рўёб Намозовалар оиласида қувончли воқеа юз берди. Рўёб опа яқинда 2 ўғил ва бир қиз кўрди. Ҳозир болалар тетик ўсмоқда.

10 боланинг онаси бўлган Рўёб опани колхоз правлениеси турли хил совғалар ва 300 сўм пул билан мукофотлади. Шунингдек, колхоз унинг оиласи учун 2 хоналик уй қуриб беришга қарор қилди.

М. САТТОРОВ.

ГАСТРОЛДАН

1957 йил баҳорида ташкил этилган Ўзбекистон Давлат эстрада оркестри 1959 йилнинг бошида Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон санъати ва адабиёти декадасида қатнашиб, катта муваффақият қозонди.

Бундан икки ой муқаддам эстрада артистлари икки бўлимдан иборат концерт программаси билан гастролга чиққан эдилар. Улар Украина, Уфа, Одесса, кейинча Сталинобод, Ленинобод, Бухоро, Термиз шаҳарларида концерт бердилар.

А. ИНОҚОВ.

КЕНГ ФОРМАТЛИ КИНО УЧУН

САМАРҚАНД, 6 январь. (ЎзТАГ). «Кинап» заводида Янги йилнинг биринчи кунларида ток кучи 150 амперга баравар бўлган тўғрилагич асбобни синаш ишлари тугалланди. Бу асбоб мамлакатимизда барпо этилаётган кенг форматли кино учун мўлжалланган. Кенг форматли кинода фильмлар панорам кинодаги 146 градус ўрнига 128 градус бурчакдан ҳамда бир проектордан кўрсатилади.

Тўғрилагич асбобларда чала ўтказгичлардан кенг фойдаланилди. Совутиш учун шовқунсиз ишлайдиган вентилятор қўйилган. Янги асбобларни қўлланиш яқин вақт ичида кенг форматли кинони оммавий қилишга имкон беради.

БИЗ ТАЙЁРМИЗ!

«Кларин» газетаси саволларига Н. С. Хрущев жавоблари тўғрисида чет элларда баён қилинган фикрлар.

ЭНДИ ГАП ҒАРБДА ҚОЛДИ ОТТАВА, Агенти надаги «Кларин» газетасининг директори Р. Нобленинг саволларига Н. С. Хрущевнинг берган жавобларини кеча Канада газеталари жуда кўзга кўринадиган жойларда босиб чиқардилар.

СССР Министрлар Совети Раисининг, агар Ғарб мамлакатлари ядро синовларини янгидан бошлаб юбормасалар, Совет Иттифоқи ҳам бу синовларни яна бошламайди ва ядро синовларини абадий тўхтатиш тўғрисида битим тузишга Совет Иттифоқи ҳамиша тайёр деб айтган сўзларига Канада матбуоти катта аҳамият бермоқда.

Консерваторларнинг «Глоб энд Мейл» газетаси Н. С. Хрущевнинг айтган гапларини бутун биринчи саҳифага босиб чиқарди. Биринчи саҳифадаги сарлавҳада бундай дейилади: Россия, энди гап Ғарбда қолди деб айтмоқда. Хрущчев, атом синовларини тўхтатиш тўғрисида битим имзолашга тайёрмиз дейди».

«Глоб энд Мейл» газетаси ўзининг редакцион мақоласида бундай деб ёзади: Н. С. Хрущевнинг Кремлда янги йилга бағишланган қабул маросимида, агар ёпасига ва тўла қуролсизланиш тўғрисидаги совет таклифлари қабул қилинса, Совет Иттифоқи ўз армиясини тарқатиб юборишга тайёрдир ва ўз куролли кучларини бир ёқлама камайтириши ҳам мумкин деб айтган гапларини Ғарб мамлакатлари Совет Иттифоқининг тинчликни таъминлаш ниятини кўрсатаётганлигидан далолат беради деб табриклашлари керак деб ёзади.

УЗИЛ-КЕСИЛ ҲАЛ ҚИЛИШ КЕРАК ВАРША ВА «Қуролсизлаш проблемаси — ҳозирги замоннинг энг қизғин проблемасидир», «Қуролсизланиш проблемасини узил-кесил ва абадий ҳал қилиш керак» — Аргентинадаги «Кларин» газетасининг директори Р. Нобленинг саволларига СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрущевнинг берган жавобларини бугун Варшава газеталари мана шундай сарлавҳалар остида эълон қилдилар.

Газеталар, СССР атом ва водород қуроли синовларининг ҳаммасини тўхтатганлигини ва агар Ғарб давлатлари бу синовларни яна бошламасалар, СССР ҳам бу синовларни қайтадан бошламаслигини таъкидламоқдалар.

«Трибуна люду», «Глос праци» ва бошқа газеталар ўртоқ Н. С. Хрущевнинг қуйидаги сўзларини бўрттириб бермоқдалар. «Биз ядро синоларини абадий тўхтатиш тўғрисида битим тузишга шу бугунок тайёрмиз ва бунинг учун зарур шарт-шароитнинг ҳаммаси вужудга келтирилган деб ҳисоблаймиз. Энди гап Ғарбдаги партнёрларимизда қолди».

АСОСИЙ МАСАЛА БЕРЛИН, Агенти надаги «Кларин» газетасининг директори Р. Нобленинг саволларига СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрущевнинг берган жавоблари тўғрисидаги хабарни бугун Берлиндаги демократик газеталар ўзларининг биринчи саҳифаларида босиб чиқардилар. «Нейес Дейчланд» газетаси жавобларнинг мазмунини «Қуролсизланиш асосий масаладир» деган сарлавҳа остида баён қилиб берди. Газета Совет ҳукумати бошлиғи, қуролсизланиш ҳозирги замоннинг энг зарур, энг қизғин проблемасидир, деб айтганлигини уқтириб ўтмоқда.

«Нейес Дейчланд» газетаси Н. С. Хрущевнинг, СССР ҳукумати атом ва водород қуролининг ҳамма синовларини тўхтатган ва Ғарб давлатлари бу синовларни яна бошламасалар, СССР ҳукумати ҳам бу синовларни янгидан бошламайди деб айтган гапни алоҳида таъкидлаб кўрсатмоқда.

Касаба союзларининг «Трибюне» газетаси Совет Иттифоқи ядро синовларини абадий тўхтатиш тўғрисида битим тузишга тайёр эканлиги Н. С. Хрущевнинг жавоблари ҳақида айтилганлигини қайд қилмоқда.

«Юнге вельт» газетаси, Н. С. Хрущев қуролсизланиш проблемасининг ҳал қилинишидан ҳамма халқлар, жаҳоннинг ҳамма мамлакатлари манфаатдор деб таъкидлаб ўтганлигини қайд қилади.

АБАДИЙ ЙЎҚОТИЛАДИ БУЭНОС-АЙРЕС, «Кларин» газетасининг директори Нобленинг саволларига СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрущев берган жавобларнинг батафсил баёнини «Буэнос-Айрес геральд» газетаси босиб чиқарди. Газета қуролсизланиш масаласига асосий эътибор бериб, бу масаланинг бутун инсоният учун муҳимлигини таъкидламоқда.

«Совет Бош Министри Никита Хрущев, — деб ёзади газета, — янги жаҳон уруши ҳавфи 1960 йилда абадий йўқотилади деб умид билдирди». (ТАСС).



Янгийўл шаҳридаги Уйғур номли область музикали драма театри Ҳамзанинг «Холи с х о н» спектаклини саҳнага қўйди. СУРАТДА: «Холисхон» спектаклидан кўриниш.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

КОЛХОЗ БЮДЖЕТИДА

ЯНГИБОЗОР, (Тошкент области), 6 январь. (ЎзТАГ). Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхозда янги, тўртинчи клуб қурилиб бўлди. Клуб колхоз бюджети ҳисобига олинган. Етти йилликнинг биринчи йилида колхоз ўз территориясида жойлашган маданият ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ҳаммасини ўз бюджетига ўтказди. Бу йил ичида бу муассасаларнинг эҳтиёжлари учун 1.600 минг сўм маблағ сарфланди.

Колхоз бухгалтериясининг ҳужжатлари бу маблағлардан қандай фойдаланилганлигини кўрсатиб турибди. Бригадалардаги бешта кутубхона учун қарийб ўн минг китоб сотиб олинган. Олинган бошқа буюмлар орасида духовой оркестр учун чалғу асбоблари комплекти ва икки пианино ҳам бор. Пианинолардан бири яқинда очилган музика мактабида ўрнатилган. Музика мактабига олий музика маълумотига эга бўлган ўқитувчи таклиф этилган. У билан бирга яна ясли ва болалар боғчасининг 30 ходими, 18 врач ва медицина ҳамширалари, клуб ва кутубхона ходимлари ҳам маош олмоқда. Уларга иш ҳақи давлат ставкалари бўйича тайинланган.

Бу йил колхоз маданият ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг эҳтиёжлари учун икки миллион сўм маблағ ажратади. Бу мақсадлар учун ажратиладиган маблағ миқдорининг кўпайтирилишига сабаб шуки, колхоз касалхона, хирургия корпуси ва лой шифохонаси бўлган ўз медицина шаҳарчасини қурмоқчи ва колхозлараро санаторий қурилишида қатнашмоқда. Бу санаторий яқинда дам олувчиларнинг дастлабки группасини қабул қилади.

Тошкент областида еттита колхоз маданият ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ҳаммасини ўз бюджети ҳисобига ўтказган.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/I да кундуз **Гамлет**, кечқурун **Тоға-жиянлар**, 8/I да кундуз **Макр ва Муҳаббат**, кечқурун **Йўлчи йолдуз**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—7/I да кундуз **Орзу**, кўчқурун **Чио-Чио-Сан**, 8/I да кундуз **Доктор Айболит**, кечқурун **Дилором**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/I да кундуз **Муқимий**, кечқурун **Тоҳир ва Зухра**, 8/I да **Ватан ишқи**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 10/I гача **Арча**. «Айиқлар цирки» иштирокида **катта байрам томошалари**. Томошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади.

КИНО

Қонун — қонундир — «ВАТАН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 4 дан).

Бир қирувчининг тарихи — СОБИР РАҲИМОВ номли (кеч соат 10да), НАВОИЙ номли, «ИСКРА» (1 ва 2-залда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Насриддин Хўжанда — НАВОИЙ номли (кундуз соат 1 ярим ва 3.20 минутда).

Болалар — «ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10, 11 ярим, кундуз 1 ва 2 яримда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11 да), «СПУТНИК» (кундуз 12 ярим, 2 ярим ва кеч 7 яримда).

Калта шим кийган одам — «ИСКРА» (3-залда, кундуз ва кечқурун) СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз соат 2, 4, кеч 6 ва 8 да).

Куйловчи, жарангловчи дарахт — СОБИР РАҲИМОВ номли (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да).

Муму — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 яримда).

Сўнгги дюйм — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 11-45 минутда).

ОЛАМДА НИМА ГАП?

ХАНОЙДА МИТИНГ
Хо Ши Мин нутқи

ХАНОЙ, 5 январь (ТАСС). Бугун бу ерда Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ташкил топганлигининг 30 йиллигига бағишланган кўп минг кишилик митинг бўлиб ўтди. Митингда президент Хо Ши Мин нутқ сўзлади.

Хо Ши Мин дедики, партия аъзоларининг сони 1945 йилдагига нисбатан деярлик юз баравар кўпайиб, унинг сафларида ҳозирги вақтда тахминан ярим миллион киши бор.

Хо Ши Мин Вьетнам Осиёда ҳам, шунингдек бутун дунёда ҳам тинчликни мустаҳкамлаш йўлида ўз кучини аямайди, деди.

КОБИЛ АЭРОДРОМИ ҚУРИЛИШИДА

КОБИЛ, 5 январь. ТАСС мухбири В. Гаврилин хабар беради:

Бу ерда барпо этилаётган Кобил аэродроми территориясида аэровокзал пойдеворини қуриш маросими бўлиб ўтди. Вокзал совет инженери Н. П. Абизов лойиҳаси бўйича қурилади. Маросимда Афғонистон бош министри Довуд, бош министр ўринбосари Али Муҳаммад, Халқ кенгашининг раиси Новрўз, Афғонистон министрлари, СССРнинг Афғонистондаги элчиси М. В. Дегтярь ва бошқа расмий шахслар ҳозир бўлдилар.

Бош министр Довуд бу ерда тўпланганларга қарата қисқача нутқ сўзлаб, берган ёрдамлари учун «Дўстона Совет Иттифоқининг мутахассисларига» миннатдор ч и л и к билдирди ҳамда ишнинг боришидан мамнун эканлигини айтди. Довуд Кобил аэродроми қурилиши Афғонистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона муносабатларни тағин ҳам мустаҳкамлаш ишига хизмат қилажагини ҳам уқтириб ўтди.

Ҳозирги вақтда Кобил аэродроми қурилиши қизғин давом эттирилмоқда. Аэровокзал ва самолётлар парвоз қиладиган ва қўнадиган жойларни қуриш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Бетон заводи монтаж қилиниб, ишга туширилди.

Аэровокзални 1962 йилда қуриб битказиш мўлжаллаб қўйилди. Самолётлар парвоз қиладиган ва қўнадиган жойлар шу йилнинг охири — 1961 йилнинг бошларида фойдаланишга топширилади.

ИЛМИЙ ИШГА

СССР Фанлар а к а д е м и я с и океанология институтининг «Витязь» экспедицион кемаси Коломбо портида бир ҳафта тургандан кейин Кочин порт шаҳри (Жанубий Ҳиндистон) томон жўнаб кетди. Бу экспедицион кема Ҳинд океанида комплекс илмий ишлар олиб бормоқда. «Витязь» ўз бортига ҳинд олимларини олди. Бу олимлар ҳам илмий тадқиқот ишларида иштирок этадилар.

БИТИМ ТУЗИЛДИ

1959 йилда Германия Демократик Республикаси билан Франция ўртасидаги савдо-сотиқ 1958 йилдагига нисбатан 21 процент ўсди. 1960 йилда товар айирбошлаш тўғрисида битим тузилди. Бу товарларнинг ҳажми қарийб 85 миллион маркани ташкил этади.

ТАБРИКНОМА

Камерун давлати мустақил деб эълон қилинганлиги муносабати билан Руминия Халқ Республикаси Министрлар Совети раиси Киву Стойка Камерун ҳукуматининг бошлиғи А. Ахиджога табрик телеграммаси юборди. Киву Стойка бу телеграммада Руминиянинг Камерун давлатини тан иганлигини хабар қилади.

ҲАРБИЙ МАТЕРИАЛГА ЗАКАЗ

Германия Федератив Республикаси ҳарбий министрлиги бундесвер учун, 8,8 миллион марка миқдорида ҳарбий материаллар етказиб бериш юзасидан Грециягa заказ берди. Ўтган 1959 йилда Ғарбий Германия Грециядан 35 миллион маркалик ҳар хил ҳарбий қурол-анжом сотиб олган эди.

МИНИСТР САФАРДА

Англия ҳарбий ҳаво министри Уорд Лондондан Америкага учиб кетди. У Канадада, АҚШда ва Мексикада икки ҳафта бўлиб, бу ерда ҳарбий ҳаво кучларининг раҳбарлари билан учрашади ва авиабазалар ҳамда штабларни бориб кўради.

НАРХ-НАВО ОШМОҚДА

Покистон марказий статистика бошқармасининг маълумотларига мувофиқ, мамлакатда нарх-навонинг ўсиши давом этмоқда. Ҳақат бир ой ичида—1959 йилнинг октябридан ноябригача кенг истеъмол товарларининг нархи қарийб 2 процент ошган, сўнгги йилда эса 8,5 процентдан кўпроқ ортган.

ЯНГИ ТАНКЛАР

Ғарбий Германия д а г и у ч т а фирма Германия Федератив Республикаси мудофаа министрлигининг закази бўйича бундесвер учун янги типдаги танкларнинг конструкцияси устида иш олиб бормоқда. Янги танкларнинг биринчи нусхалари шу йил тайёр бўлади.

МОНТГОМЕРИ ДЕҲЛИДА

Англия фельдмаршали Монтгомери Ҳиндистон бош министри Нерунинг меҳмони сифатида қисқа муддатли визит билан Деҳлига келди. (ТАСС).

ИЧКИЛИКБОЗЛИК — АҚШНИНГ МИЛЛИЙ ОФАТИДИР

НЬЮ-ЙОРК, 5 январь. (ТАСС). АҚШнинг статистика ташкилотлари ҳар йили 500 минг янги ичкиликбозни рўйхатга олмоқда. Ҳозир АҚШда ичкиликбозликдан жафо чекаётган 8 миллион киши бор. Қўшма Штатларда ҳар йили бу касалликдан 350 минг киши ўлади. Шу нарса ҳисоблаб чиқилдики, АҚШда ичкиликбоз нормал одамга қараганда 20 йил кам яшайди.

Иллинойс штатидаги университетнинг профессори Э. Айвини яқинда бундай деди: ичкиликбозлик ўлим ва инвалидликка сабаб бўлиши жиҳатидан ва рак касалликларидан кейин муҳимлиги жиҳатидан Америка соғлиқни сақлаш ташкилотларининг учинчи проблемасидир.

ОЗАРБАЙЖОН АДАБИЁТИ ҲАФТАЛИГИ ОЛДИДАН

АРЗИГУЛИК ТУҲФА

Республикамизда Озарбайжон адабиёти ҳафталигига қизғин тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти ҳафталикка атаб «Озарбайжон шоирлари» деган китоб чиқаради.

Бу альманахда қардош Озарбайжон шоирларидан Самад Вурғун, Сулаймон Рустам, Расул Ризо, Усмон Сариволли, Мамад Раҳим, Зайнал Халил, Марварид Дилбози, Нигор Рафиқбегли, Қосим Қосимзода, Аҳмад Жалил, Исмоил Султонларнинг поэтик асарларидан намуналар берилган. Китобда ҳар бир шоирнинг портрети, биографияси ва ижодига оид справкалар бор.

Озарбайжон шоирлари асарларини Миртемир, Шайхзода, Бобоев, Шукрулло, Шуҳрат, Мирмуҳсин, Султон Акбарий, Жуманиёз Жабборов, Азиз Абдураззоқ ва бошқа ўртоқлар таржима қилганлар.

Асар нашрга топширилди. Ўзбек китобхонлари Озарбайжон адабиёти ҳафталиги кунларида уни ўқишга муяссар бўладилар.



▲ Октябрь район ўқитувчилари коллектив бўлиб тез-тез маданий юришлар ўтказиб турадилар. Яқинда 400 га яқин ўқитувчи Ленин орденли Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театрига маданий юриш уюштирдилар. Педагоглар театрнинг «Тоға ва жиянлар» номли янги спектаклини томоша қилдилар.

▲ Шаҳар саноат моллари биринчи савдо бўлими харидорларга қулайлик туғдириш юзасидан бир қанча тадбирларни амалга ошира бошлади. 1-,60-,197-,26-магазинлар харидорлар олган холодильник, мебель, кир ювиш машинаси, тикув машинаси каби оғир буюмларни уйларга элтиб беришни уюштирди.

▲ Ўзбекистон ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти адабиётшунос Тўхтасин Жалоловнинг «Ўзбек шоирлари» номли китобини нашр этди. Бу китобда 31 ўзбек шоирасининг ижоди ва ҳаёти ёритилган.

КОНЦЕРТ ЗАЛИ

П. И. Чайковскийнинг Клиндаги уй-музейи усадьбаси территориясида янги бино қурила бошланди. Бинога 400 ўринли концерт зали, кино зали ва қироатхона жойлаштирилади. Маҳаллий аҳоли ва жуда кўп экскурсиячилар Чайковский музикасининг концертларида бўла оладилар. Бу концертларда атоқли ижрочилар қатнашадилар. Бу ерда маданият университетининг машғулотлари, шунингдек композиторнинг ҳаёти ва ижодиёти тўғрисида лекциялар ва кинофильмлар кўриги ҳам ўтказилади.

Бинони 1962 йилнинг баҳорида, яъни ижрочи музикачиларнинг П. И. Чайковский номидаги иккинчи халқаро конкурсининг очилиш вақтигача қуриб битказишга қарор қилинди.

Уй-музей ҳузурида композиторнинг уникал қўлёзмалари сақланадиган махсус фонд ташкил этишга қарор қилинди. П. И. Чайковский уникал қўлёзмаларининг а с о с и й қисми Клинда тўпланган. (ТАСС).

«ЕР ВА КИШИЛАР»

Ҳар йили чиқарилиб туриладиган «Ер ва кишилар» номли географик календарнинг 1960 йилги сони босмадан чиқди. Календарь географияга қизиқадиган, жонажон мамлакатнинг табиатини ўрганишга интилаётган, ер шарининг турли қисмларидаги кишиларнинг ҳаёти билан, буюк кашфиётлар ва Ер тадқиқотларининг тарихи билан танишишга қизиқаётган кишиларнинг ҳаммаси учун мўлжаллангандир. Календарга киритилган кўпгина очерклар, мақола ва хабарлар СССР халқ хўжалигини ривожлантиришга, етти йиллик қурилишларига бағишлангандир.

Календарь қизиқ ва чиройли қилиб безатилгандир. Унинг саҳифаларида кўпгина оригинал расмлар, фотосуратлар ва хариталар бор.

Календарга 12 харита илова қилинган. Бу хариталар ўқувчиларни СССР территориясида табиатнинг муҳим мавсумий ўзгаришлари билан таништиради.

(ТАСС).

ДИЛБАР МАҚТАГАН КИШИ

Ички телефоннинг жиринглаши Салмоновнинг ҳаёлини б ў л и б юборди. У шошиб трубкани кўтарди. «Бирон ҳодиса бўлди, шекилли.»

— Шаҳар милиция бошқармасининг навбатчиси Чўянов гапиряпти...

«Мунча чўзади? Навбатчиман де, кўй!» Салмонов ғижинди.

— Калтароқ қилинг!

Трубкадан яна хириллаган товуш эшитилди:

— Сарикул кўчасида бир кишини сулайтириб кетишибди. Сабаби номаълум. Постовой ҳам яхши билмас эмиш... Салмонов Чўянов яна гапни чўзиб ўтирмасин дедими, ёки бошқа гапни ортиқча деб билдими, ҳар қалай, трубкани шошиб жойига қўйди-да, эшикка югурди. Шу пайт шаҳар телефони жиринглади. Тергочи орқасига қайтди. Трубкани кўтариб қулоғига тутди.

— Токаревман! — трубкадан қидирув бўлими бошлиғининг таниш овози эшитилди.

— Эшитаман, ўртоқ полковник.

— Навбатчи телефон қилдими?

— Ҳа, ҳозиргина телефон қилувди. Сарикул кўчасида бўлган ҳодисани айтди. Ҳозир ўшаёққа кетяпман.

— Яхши! Дарров етиб боринг. Ҳар эҳтимолга қарши Тарзанни ҳам олинг. Масала жиддийроқ.

Салмонов бошлиқнинг ҳамма вақт ҳам «масала жиддийроқ» деябермаслигини билгани учун шошиб қолди. Телефон қилиб, 3 та ходимини дарров машинага чиқишга, Тарзанни олишга буюрди-да, ўзи ҳам югуриб чиқиб кетди.

Қидирув бўлимининг машинаси бошқарма дарвозасидан чиқиб кетаётганда, чарақлаган электр нури белига қизил хошия тортилган машинага ва машина ичида қулоқларини «динг» қилиб ўтирган итга тушди.

Шофер машинани янги шаҳар томон учириб кетди. Салмонов кўп чигалнинг учини топган, қанчалаб жиноят изига тушган бўлса ҳам, негадир бу гал юраги ўйнар, «қандай иш экан? Кимни сулайтирибди? Нега ҳеч нарса маълум эмас?» деган шубҳалар бошини қотирар эди.

Машина «Ёш гвардия» кинотеатри олдида тўхтади. Карл Маркс кўчасидан турнадай тизилиб келаётган машиналарнинг ўтиб кетишини кутишга тўғри келди. Салмонов соатига қаради: ўнта кам ўнбир. Ҳали ярим кеча бўлгани йўқ. Бундай пайтларда сулайтириш ҳодисалари камдан-кам бўлади.

Машина кўк рангни кўриб тургандай жойидан силжиши биланоқ бир қиз кўчани кесиб ўтди-да, йўлкага чиқди. Салмоновнинг юраги орқасига тортиб кетди. «Нақ Дилбарнинг ўзи-я! балки Дилбардир, ўқишдан келаётгандир?».

Ҳаёл Дилбар томон олиб қочди. Салмонов сўнгги марта Дилбар билан институтда учрашган эди. Бугун 3 кун бўлдимикин? Ҳа, уч кун. Шанба куни эди-да Салмонов Дилбар билан институт каридорида гаплашиб турганида студентлар уларга маъноли қараб қўйишган, нимнадир шивирлаб ўтишган эди. Тўғридаги эшик очилиб, коридорга қўйилган нур уларни «уйқудан уйғотгани» ҳам эсида. Ўшанда кабинетдан сочлари оппоқ бир киши чиқиб, улар томон кела бошлади. У Салмоновни ҳам, Дилбарни ҳам кўрмагандек эътибор бермай, ўтиб кетмоқчи эди. Дилбарнинг қўнғироқ товуши уни тўхтатди:

— Салом, домла.

— Салом қизим.

Домла Салмонов билан қуюқ сўрашди ва қўлини қўйиб юбормай, унга жилмайиб қаради.

— Домланинг, — деди Дилбар, у узоқлашгач, — жуда яхши ҳислатлари бор. Илтифотли, жуда меҳрибонлар. Дарсни тушунтиришни шу домлага чиқарган. Миянгизга қуйиб қўяқоладилар. Эшитгандирсиз: шаҳарда лекция ҳам ўқиб турадилар. Елизаров. Фамилияси Елизаров.

— Йўқ, эшитмаганман, Дилбархон. Яхши одамга ўхшайдилар.

— Яхшиям гапми!

... Учиб келаётган машина ғиқ этиб тўхтади. Салмоновнинг фикри бўлинди У машинадан сакраб тушди. Йўловчилар тўпланиб турган экан:. Салмоновнинг қулоғига о д а м л а рнинг чувур-чувури чалинди:

— Яхши одам эди...

— Ифлослар! Ушлаб отиш керак.

— Милициямиш... Қароқчи ургандан кейингина пайдо бўлади.

Тўпланганлар итни кўриб, ўзларини четга олишди. Одамларни ҳай-ҳайлаб турган милиционер Аҳмедов Салмоновнинг олдига югуриб келди:

— Ўртоқ лейтенант! Соат 10 яримда бандитлар ана шу кишини, — деди қўли билан ётган кишини кўрсатиб, — сулайтириб кетишибди.

— Қаерда эдингиз? — даҳолроқ қилиб сўради Салмонов.

Аҳмедовнинг юраги шув этиб кетди. У ўзини ўнглаб олиб, гуноҳкор кишидек секин гапира бошлади:

— Мен нариги кўчани айланиб кетувдим. Ҳеч қандай овоз эшитмадим.

Тарзан чир айланар, ўн қадам юриб, яна орқага қайтар, сал ўтмай, яна олдинга интиларди. Ҳамма ўн минутча итнинг қилиғини кузатиб турди. Ит у ер-бу ерни ҳидлаб, пича тўхтаб турганидан кейин думини қисганича машинага чиқиб ўтириб олди.

— Из йўқотилган, — деди секин Салмоновга лейтенант формасидаги йигит. — Йиғилганлар бандитларнинг изини босиб юборишган. Энди итнинг фойдаси тегмайди.

Салмонов қимирламай ё т г а н одам ёнига келди. Унинг бўйни остидан қўлини киргизиб, башарасини ўзига қаратди. Қаратди-ю пешанасидан тер чиқиб кетди. Елизаров, домла Елизаров... Қўлига иссиқ нарса теккандай бўлди: ... Қон: «Бандитлар Елизаровни миясига чўқмол билан туширишибди» деб ўйлади Салмонов.

Шу пайт енгил машина келиб тўхтади-да ундан Токарев чиқди.

— Бандитлар Ўрта Осиё политехника институтининг ўқитувчиси Елизаровнинг миясини чўқмол билан уриб, сулайтириб кетишибди.

— Тирикми? — сўради Токарев.

— Қайдам...

— Касалхонага жўнатинг.

— Хўп бўлади.

Елизаровни машинага солишди. Машина муйилишдан қайрилиб, кўздан йўқолди. Салмоновнинг кўз ўнгида «илтифотли, жуда меҳрибон домла»нинг сурати қолди...

Воси МАҲКАМОВ,
Искандар ҚАЛАНДАРОВ.
(ДАВОМИ БОР).

Справда востока

Инженер Д. Мурашов Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши корхоналари машинасозларининг муваффақиятлари ва вазифалари тўғрисида ҳикоя қилади. Ю. Наумов мақоласида рангли металларни тежаш имкониятлари тўғрисида гап боради. Зоотехник В. Шалимов Фарғона область совхозларини ихтисослаштириш масаласини кўтаради. Шоир М. Бобоев «Қаҳрамонинг портрети» шеъри билан қатнашган.

БУГУН ТЕЛЕВИЗОРДА

12.00 Навоий номли театрдан **«Орзу»** балети олиб кўрсатилади. 19.30 **«Биз етти сувданмиз»** номли бадиий фильм. 21.20 **«Ниқобсиз опостоллар»** деган қисқа метражли фильм.

21.40 **«Жаноб 420»** деган бадиий фильмнинг 2-серияси. (Ўзбек тилида). 23.10 эстрада концерти.

ДУРАДГОРЛАР М. Нуриддинов фотоэтюди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академияси **МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ УРТА ОСИЕ ИРРИГАЦИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИНИНГ** қуйидаги штатли ва вакант вазифаларда ишлаш учун

конкурси

Ўзбекистон ёмғир ёғдириш тажриба-текшириш станцияси н и н г директори.

Автоматика ва телемеханика, тўлқинли процесс лабораториялари нинг мудирлари.

Ирригация экономикаси бўлимининг мудири.

Мелиорация, гидромелиора ц и я системаларини эксплуатация қилиш бўлимларининг ҳамда эксплуатацион гидрометрия лабораториясининг старший илмий ходимлари.

Конкурсда қатнашишни хоҳлаган кишилар институт директори номига ариза ёзиб, конкурс низомида кўрсатилган ҳужжатларни қўшиб берадилар.

Ариза бериш муддати—22/I гача

Адрес: Тошкент шаҳар Маяковский кўчаси, 6-уй, САНИИРИ.

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ гидрогеология, геология асослари ва пармалаш иши кафедрасининг вакант мудири (профессор ёки доцент) вазифасида ишлаш учун

КОНКУРС
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсга ариза бериш муддати 4/II гача.

Ариза институт директори номига ёзилади ва тегишли ҳужжатлар қўшиб берилади.

Адрес: Тошкент шаҳар, Учитель кўчаси, 39-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг **А. С. ПУШКИН НОМЛИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ** рус тили ва адабиёти секторининг вакант мудири (фанлар доктори ёки кандидати) вазифасида ишлаш учун эълон қилган

конкурс муддати

1960 йил 1 февралгача **ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ.**

Ҳужжатларни тақдим қилиш учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 69-а уй.

Гражданлар диққатига!
«УЗЛЕССТРОЙТОРГ» РЕСПУБЛИКА КОНТОРАСИНИНГ
Тошкентдаги ва Ўзбекистон ССР нинг бошқа шаҳарларидаги ёғоч савдоси складларида сифатли

ЁҒОЧ-ТАХТА,

уй деталлари ва маҳаллий биноорлик материалларидан тайёрланган деворлар, цемент, пишиқ ғишт, алебастр, дераза ва эшиклар, шунингдек ўтин нақд пулга

сотилади

Тошкентда қуйидаги жойларга мурожаат қилинсин:

Тошкент ёғоч савдоси склади — Ш. Руставели кўчаси, 93-уй, телефон — 51-820.

Қўйлиқ ёғоч савдоси склади — Рисовая кўча, 126-уй, телефон — 33-566, қўшимча телефон — 67.

Салор ёғоч савдоси склади — 1-Тюльпановский проезд, 19-уй, телефон — 32-612.

Дархон кўча, 78-уйда т у р у в ч и Мирсултон Турсуновнинг Жар кўча 2-уйда турувчи Хатми Турсуновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 5-участка халқ судида кўрилади.

Редактор И. РАҲИМОВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: партия турмуши ва маҳаллий матбуот — 27604, Пропаганда ва чет эл ҳаёти — 31226, Совет қурилиши — 27604, Қишлоқ хўжалиги — 34455, Саноат — 34524, Адабиёт ва санъат — 32036, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524, Маҳаллий ахборот — 34780, Оммавий ишлар ва хатлар — 39005. Секретариат — 33469, 32347. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 36334, 33262.

Р. 02506. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А — № 5.